Туркистон бир, ватан бир

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

1993 йил 13 март • Шанба • № 30 (14058) تركستان TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Ислом КАРИМОВ:

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг МДҲдаги хорижий мухбирлар ҳалқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбати

ПРЕЗИДЕНТ: Ҳурматли журналистлар мен аввало сизларни Ўзбекистон диёрида табриклаб, республикамизга қизиқиб қараётганингиз ва унга эътибор бераётганингиз учун ташаккур айтмоқчиман. Чунки ёш мустақил давлатдаги воқеаларни холисона ёритиш Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради.

Мен сизларнинг меҳнатингиз нақадар муҳимлигини ва нечоғли оғирлигини яхши тушунаман. Бироқ шу билан бирга бу иш ўзаро манфаатдорлик ва ҳамжиҳатлик мавжуд бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин. Мазкур учрашув сизларга бизнинг муаммоларимизни яхшироқ англашингизга, Ўзбекистонни атрофлича билиб олишингизга ёрдам беради, деб умид қиламан. Чунки бу учрашув охир-оқибатда қадимий диёримизда рўй бераётган воқеаларни холисона ва ҳаққоний ёритишингизга кўмаклашади. Бизнинг муаммоларимиз кўп. Аммо ижобий тажриба ҳам орттирганмиз, бизнинг тажрибамиз сизни ва бутун дунё жамоатчилигини қизиқтирса ажаб эмас.

Мен сизларни қизиқтирувчи ҳамма саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

Марко ПОЛИТИ, Ҳамдўстлик мамлакатларидаги хорижий мухбирлар уюшмасининг раҳбари: Президент жаноблари! Қўҳна Ўзбекистонда бизга кўрсатилган иззат-икром учун жамики журналистлар аҳли номидан миннатдорчилик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Республикангиз ўзининг барқарорлиги, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг осойишталиги билангина эмас, кейинги вақтларда бу ерда рўй берган ўзгаришлар билан ҳам бизни қизиқтиради. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча давлат бошлиқлари билан учрашишни режалаштириб қўйганмиз. Илтимосимизга биринчи бўлиб сиз ижобий жавоб берганингиз бизни ғоят қувонтирди. Биз Москвада яшаймиз. Лекин сиз дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари бўлган биналарни тўла асос билан ўша мамлакатларнинг Ўзбекистондаги мухбирлари деб ҳам ҳисоблайверишингиз мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ: Сизларнинг қароргоҳингиз Москвада экани тасодифий ҳол эмас. Бу шаҳар — собиқ Иттифоқнинг пойтахти. Шу билан бирга бу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон СССР таркибида бўлган вақтларда аҳоли зич яшайдиган, қадимий, улуғ тарихга, маданиятга, маърифатга эга бўлган бу йирик минтақа ҳақидаги жамики ахборот юзаки бўлар эди. Сизлар хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, бизга тааллуқли ҳамма хабарни асосан Москва матбуоти орқали олар эдингиз. Шу кунгача ҳам ўша эски усул давом этиб келмоқда. Бу эса муайян бир-ёқламаликни юзага келтириши табиий. Ўзбекистонга тез-тез келинглар, одамлар билан учрашинглар, муаммоларимизни, муваффақиятларимизни, орттирган тажрибамизни ўрганинглар. Биз Марказий Осиёнинг энг катта мамлакатларидан бирида рўй бераётган воқеаларни ҳалол ёритувчи мухир қаламкашларни ҳамиша қувонч билан кутиб оламиз. Шу боисдан мен сизларнинг Москвадагина эмас, Тошкентда ҳам бўлишингиз тарафдориман. Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиши билан бирга Шарқнинг дарвозаси ҳам эканини эсдан чиқарманглар. Бизнинг пойтахтимиз жўғрофий-сиёсий мавқеи билан, тинчликпарварлик анъаналари билан бутун дунёга ном таратган. Бинобарин, мен сизларнинг бу ерда ўз қароргоҳларингизни очишга ниятингизни қўллаб-қувватлайман.

МУХБИР: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ҳамкорлик ва бирлашув истиқболлари қандай, ҳамдўстликнинг келажаги борми? Ёки сизларга ўрта Осиё бозорини барпо этиш манфаатлироқми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу масалалар бири иккинчисига ҳалал бермаслиги ва зид келмаслиги керак. МДҲнинг келажаги бор. Ҳозирги мустақил давлатлар ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий алоқаларни узиб бўлмайди. Аммо бу алоқаларни ҳар қандай томон бирон-бир тарзда тазйиқ ўтказмайдиган маърифатли асосга қуриши керак. Муносабатлар фақат ўзаро манфаатли асосга таяниши лозим.

Январь ойида Тошкентда расм бўла бошлаган «Марказий Осиё давлатлари» тушунчасига келганда шуни айтиш керакки, бу — табиий, ҳаққоний жараён.

Бу минтақада яшаётган кўпмиллатли халқларни бирлаштираётган, яқинлаштираётган замин — тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги, томирларимизнинг туташиб кетганлиги, бинобарин иқтисодий, табиий бойликларимиз инқироздан чиқиш йўлларини биргаликда қидиришни тақозо этади. Бу ҳол табиийдир. Мен Тошкентнинг алоҳида мақомли шаҳар экани ҳақида бежиз гапирганим йўқ. Хуллас, у минтақанинг ахборот маркази қилиб танлагани жуда мантиқийдир. Энг янги хабарлар бутун дунёга шу ердан тарқаладиган бўлади. Бу ҳам сизларни қизиқтиради, деб ўйлайман.

МУХБИР: Президент жаноблари, сиз молиявий сиёсатингизни Россиянинг Марказий банки билан келишиб юритмоқчисиз. Аввалгидек рублдан миллий валюта сифатида фойдаланаверасизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу гап жуда муҳим. Таъбир жоиз бўлса, нозик масалалардан бири. Бу масала Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг ҳамма учрашувларида муҳокама қилинди. Тегишли ҳужжатлар ҳам имзоланди. Бироқ, афсуски, бу ҳужжатларга шу пайтгача ҳам риоя қилинмаяпти. Россия ўтказаётган сиёсат бу йўлдаги асосий тўсиқдир. Минск шаҳридаги сўнгги учрашувда Россия раҳбарлари МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун давлатлараро банк тузишга рози бўлган эдилар. Назаримда, бу Россия сиёсатидаги ижобий жиҳатдир.

Бироқ муайян доиралар рубль зонасидаги мамлакатларга нисбатан қаттиққўл молиявий сиёсат ўтказиш тамойилини бошлаганликлари сизларга сир эмас. У ердагилар «рубль доираси»ни тарайтиришмоқчи деса ҳам бўлади. Бу масалада Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев каби менинг ҳам фикрим равшан: рубль зонасидан чиқиш —шунчаки бир мақсад эмас. Ўз қадрини билувчи ҳар бир мутахассис пул муносабатлари нималигини миллий валютани жорий қилиш учун қандай шарт-шароитлар талаб этилишини, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билади. Биз ўз пулини жорий этишга қарор қилган мамлакатларнинг, аввало, Болтиқбўйи мамлакатлари, Украинанинг тажрибасини жуда синчиклаб ўрганяпмиз. Маълумки, украин карбованеци «гарқ» бўла бошлади ва зўр-базўр муомалада турибди. Шу сабабли Россия ўз валютасига ўтмагунча Ўзбекистон рубль зонасида қолади. Бу нарса бизга қанчалик оғир таъсир ўтказишини жуда яхши англаб турибман. Бироқ Россия раҳбариятининг ақл-заковати эҳтирослардан устун бўлиб чиқишига аминман. Башарти бундай бўлмаса, Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам, рубль зонасидаги бошқа республикалар ҳам маълум тазйиққа тоқат қила олмайди. Охир-оқибатда Россиянинг ўзи ҳам жуда кўп қийинчиликларга дуч келади...

Хуллас, биз сиёсий мулоқотимизга салбий таъсир қиладиган ўринсиз шахсиятпарастликни тарозининг бир палласига ва ўзаро муросага келиш йўлини иккинчи палласига қўйганимизни равшан англаб олмоқ керак. Сиёсий мулоқот, Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг фикрига ўзаро ҳурмат билан қараш ана шу чигал масалани ҳал қилиб беради, деб ҳисоблайман.

МУХБИР: Президент жаноблари, олис хорижда, МДҲ давлатларида Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга оид хабарлар доимо диққат марказида турибди. Яқинда босилган бир хабарда ватанга ҳиёнат қилишда айбланган киши қора курсига ўтқазилгани айтилган эди. Улар орасида, Президент сайловидаги рақибингиз — Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эмиш. Нега сиз мухолифат билан шу қадар қаттиқ муомалада бўляпсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу савол менга тааллуқли эмас. Ўзбекистон Республикасининг қонуни бор. Конституция бор, Олий Кенгаш — давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи бор. Шундай бўлса-да, саволингизга жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб кўраман.

Ҳозирги тарихий тажрибанинг кўрсатишича, яқинда мустақилликка эришган суверен давлатларда воқеалар деярли бир хил андоза билан ривожланди. Тожикистон, Озарбойжон ва бошқа республикалардаги Конституциявий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланиб, умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган ташкилотларга мувозий тузилмалар ҳам пайдо бўлиб, улар битта мақсад — ҳокимиятни қўлга олиш мақсадини кўзлаб бошладилар. Аммо улар сизларнинг ривожланган мамлакатларингиздаги каби конституциявий, маърифатли усуллар билан эмас, балки қўрқитиш, зўравонлик, қўпорувчилик йўли билан курашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг еттинчи моддасида: давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади, деб ёзиб қўйилган. Мантиқийми? Шубҳасиз, мантиқий! Зеро, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларга зид ҳаракат қилувчи мувозий ташкилотларнинг тузилиши бошбошдоқликка олиб борган бўлур эди. Барча халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизни энг халқчил Конституция ва қонунлардан бири деб эътироф қилишдику, ахир! Дарвоқе, жаҳон ишбилармонларининг яқинда Давосда ўтказилган йиллик кенгашида Европа Тиклаш ва тараққиёт банкининг Президенти Аталли жаноблари буни яна бир карра тасдиқлади...

«Мухолиф» дейилмиш кучларнинг мақсадлари нима эди?

Бир мисол айтиб берай. «Миллий мажлис» деб аталган «Чекланган мажлис»ни тузиш учун қилинган уриниш давлат ҳокимиятининг қонуний органи бўлган Олий Кенгашга кучли таъсир ўтказиши лозим эди. «Қайта тузувчилар» деб аталган кимсаларнинг фикрича, «Миллий мажлис»га ўзини мухолифатчи партиялар деб юрганларнинг вакиллари кириши лозим эди, улар қонуний давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятларини назорат ва тазйиқ остига олиш мақсадини амалга оширишмоқчи бўлган. Бу бошқача айтганда қип-қизил тўнтариш эмасми?

Хўш, уларнинг дастури борми, улар кўпмиллатли Ўзбекистон халқини қайси йўлдан бошлаб бормоқчилар? Яна бир гап. Уларнинг талабига кўра, гўё парламент, ҳукумат буларнинг кўрсатмаси билан иш қилиши керак эмиш. Баъзи бир минтақалардаги фожиали воқеаларни ҳисобга олсак, бунинг оқибати қандай бўлгани маълум.

Модомики шундай экан, бундай қилиш тўғрими, республиканинг ҳақиқий фуқаролари бундай хабардормилар? — деган савол туғилади.

Мисол қидириб олисга боришнинг кераги йўқ. Ён қўшнимиз Тожикистонни олиб кўринг. Республика пойтахти — Душанбедаги Шоҳидон майдонида ҳам «демократлар» тўпланишган эди. Кейинроқ, ниҳоят, ниқоб пардаси тушганида, бу одамларнинг қўлида автоматлар пайдо бўлганини ҳам кўрдик. Кимки митингга борган бўлса, анча-мунча пул

(Давоми 2-3-бетларда).

НАВРЎЗ ШАРАФИГА

Республикамизда умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган Наврўзга бир ҳафтадан сал кўпроқ вақт қолди. Ҳар бир қишлоқда, маҳаллада бу байрамга тайёргарлик кўрилмоқда. Анъанага мувофиқ, республика аҳолиси Наврўз арафасида оммавий равишда ободончилик ишларини амалга оширади, янги боғлар барпо этади.

Ўтган шанба куни Тошкентдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси дарахтзорларида янги ўтқазилган юзлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари пайдо бўлди. Пойтахт олий ўқув юртларида таълим олаётган йигит-қизлар ётоқхоналар атрофидаги ариқларни тозаладилар, гулзорлар барпо қилдилар.

Талабалар шанбалиги Тошкентда бугун бўладиган ҳашарнинг ўзига хос дебочасига айланди. Ҳашар ўтказиш ташаббусини Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бошлаб берди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари, автомобиль ва йўллар илмгоҳининг муаллимлари билан талабалари, Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласининг аҳли самолётсозларнинг ташаббусини қувватлаб чиқдилар. Ободонлаштириш ишларида пойтахтда яшовчи минглаб кишилар иштирок этадилар, улар шаҳарни байрамга тайёрлаш, уни гуллар билан безатиш, кўчалар ва хиёбонларни кўкаламзор қилиш учун кўчаларга чиқадилар.

Шу куни Тошкентнинг саноат корхоналари одатдаги тартибда ишлайди. Аввалги йиллардагидан фарқли равишда маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг ҳаммаси меҳнат жамоаларининг тасарруфига тушади. Ишлаб топилган пул хайрия мақсадларига, корхоналар ходимларини ижтимоий ҳимоялашга сарфланади. Наврўз арафасидаёқ кўп болали, камбағал оилалар, фахрийлар қимматбаҳо совғалар олади. Уларга атаб байрам дастурхони ёзилади, халқ сайллари ташкил этилади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

— Боғни боқсанг боғ бўлади, — дейди боғбон Нишонбой ота, Р. АКБАРАЛИЕВ суврати.

Юрт ободлиги — улус шодлиги

Барчани бугун ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида енг шимариб ишлашга даъват этамиз.

Ислом КАРИМОВ:

„ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!“

(Боши 1-бетда).

тўланди. Хўш, натижа нима бўлди? Бу фуқаролар урушига олиб келди: ўн минглаб бегуноҳ кишилар — аёллар, болалар, қариялар нобуд бўлди... «Демократ»ларнинг мақсади битта — «Эрон тоифасидаги давлат» қуриш эди. На давлат ҳокимияти, ва Олий Кенгаш мухолифатчиларга — кўпорувчиларга қарши тура олди. Ҳолбуки, мустақил давлатда конституция ҳам, қонунлар ҳам амал қилмоғи лозим эди.

Хуллас, муҳтарам жаноблар Ғарбдагилар жон куйдираётган «Бирлик» ҳаракатининг фаолиятини ҳам Президент эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Адлия вазирлиги таҳлил этиши керак. Адлия вазирлигида рўйхатдан, қонуний тасдиқдан ўтишаётганида «Бирлик» раҳбарларига зиммангизга сиёсий масъулият олганингизни унутманг, қонун йўриғидан чиқманг, деб уқтирилган эди... Кейинги пайтда уларга фаолиятингизга танқидий назар ташланг ва уч ой мобайнида белгиланган тартибда ариза бериб, сўнгра ишлайверинг, аммо Конституция доирасидан чиқманг, деб неча марталаб айтилди.

Ҳа, айтгандай, барча ривожланган капиталистик мамлакатлардаги тартибга мувофиқ партия ва ҳаракатлар ўз таъминоти учун молиявий маблағни қаердан олаётгани ҳақида давлатга баёнот тақдим этишга мажбур эканликларини биламан. Аъзоларининг сони уч мингга ҳам етмаган ўша «Бирлик» ҳаракати бир талай пулни қаердан олди экан?

Мен кўпгина хорижий мамлакатларнинг конституцияларини батафсил ўрганиб чиқдим. Журналистлар ҳам шундай қилишса чакки бўлмас эди. Ўша конституцияларнинг биронтасида қонуний сайланган ҳокимиятга қасд қилинишига йўл қўйилмайди. Масалан, Германия Федератив Республикаси конституциясининг ўн биринчи моддасига: ҳар қандай партия молиявий манбалари ҳақида ошкора ҳисоботлар, баёнотлар беришга мажбурдир, деб ёзиб қўйилган. Жуда тўғри талаб. Фуқаролар, солиқ тўловчилар бу қоидага тўла-тўкис розидирлар.

Аминманки, Ўзбекистон аҳолиси Тожикистонда рўй бергани каби бошбошдоқликка йўл қўйилишини хоҳламайди. Шундай бўлсада, Тожикистоннинг фожиаси бизнинг кўзимизни очди. Бундай фожиа Ўзбекистонда такрорланмайди! Бунга йўл қўйилмайди!

МУХБИР: Президент жаноблари, Сизга иккита савол бермоқчиман. Биринчиси — нега баъзи ажнабий журналистларнинг келишига рухсат берилмаяпти. Иккинчиси — баъзи газеталар, жумладан, «Эрк»нинг ёпилишига ким кўрсатма берди?

ПРЕЗИДЕНТ: Мени кечирасиз-у, аммо халқаро қоидага биноан журналист у ёқда турсин, оддий фуқаро мустақил давлатнинг дарвозасидан кириб келганида ҳужжатлари расмийлаштирилиши лозим. Сизнинг ҳужжатларингиз расмийлаштирилди-ку! Бу ҳамма эътироф этган маърифий усул. Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Энди газеталарнинг очилиши ёки ёпилиши масаласига ўтайлик. Бунга Президентнинг сира дахли йўқ. Рўй берадиган ҳамма масалалар қонун асосида, хусусан, матбуот ҳақидаги қонун асосида ҳал қилинади. Республикада тегишли комитет бор, келиб чиқадиган муаммоларни ўша комитет ҳал қилиши керак. Агар биронта газета ёпиб қўйилган бўлса, унинг раҳбариятига мулоҳазалар айтилган, улар бу мулоҳазаларни бажаришга мажбурлар. Аммо, афсуски, бажармадилар...

Бироқ, юқорида айтиб ўтилган фикрга яна бир бор қайтмоқчиман. Бир фараз қилинглар: сиз яшаётган давлатда рўзнома ёки ҳафтанома, журнал нашр қилинса-ю, лекин уларни таъминловчи, яъни бошқача айтганда, кўрсатма берувчи (шу жумладан, кўпорувчи) кучлар чет мамлакатларда туриб, гиж-гижласа!? Бунга қандай қарайсизлар? Ҳар бир матбуот органи, партия, ҳаракат маблағ билан таъминланиш манбалари ҳақида давлат идораларига баёнот тақдим қилиши лозим. Бу соҳада ошкоралик зарур. Модомики, матбуот ошкораликни талаб қилаётган экан, нега энди мустақил давлатнинг раҳбарияти ҳам ўша қоидага амал қилмаслиги керак экан?

МУХБИР: Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Мексика телевидениеси гуруҳи 18 кундан бери Ўзбекистонда турибди. Бизнинг вазифамиз — мамлакатнинг қиёфасини гавдалантириш. Биз бу ерга қонун асосида келганмиз, мамлакатингиз Ташқи ишлар вазирлиги бизга катта ёрдам берди. Аммо биз доимо партия ходимларининг, давлат хавфсизлиги комитети агентларининг назоратида эканимизни сезиб турибмиз. Оддийгина сюжетларни суратга олишимизни ҳам тақиқлаб қўйишмоқда. Шу вақт ичида биз мазкур кўрсатувни кутиб турган ўн миллионлаб мексикаликлар учун сизнинг суҳбатингизга мушарраф бўлмадик. Бунинг сабабини изоҳлаб бера оласизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Президент билан суҳбат дедингиз. Ҳозир ўзингизни қизиқтираётган ҳар қандай саволга жавоб олиш имкониятингиз бор.

«Давлат хавфсизлиги комитетининг агентлари», материал олиш йўлидаги тўсиқлар ҳақидаги гаплар, чамаси, ҳақиқатга унчалик тўғри келмаса керак. Ташқи ишлар вазирлигида ким сиз билан алоқа боғлаб турибди?

(Сукунат)!

Вужудга келган масалаларни ҳал этишда ёрдам сўраб республика Ташқи ишлар вазирлигида кимга мурожаат қилдингиз?

— ...

МУХБИР: Йўқ. Ташқи ишлар вазирлигида бизга имкони борича ёрдам беришмоқда. Лекин Самарқанд бозорида суратга олишимизга йўл қўйишмади...

ПРЕЗИДЕНТ: Бозорда «Давлат хавфсизлиги комитетининг агентлари» йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Даъволарингизга келганда, ушбу учрашувдан кейин сизларга Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари бириктириб қўйилишига Президент сифатида ваъда бераман. Ҳамма муаммоларингизни улар ҳал қилишади. Сизлардан сақлайдиган сиримиз ҳам, суратга олиш учун ёпиқ жойларимиз ҳам йўқ.

МУХБИР: Президент жаноблари, Америкада чиқадиган «Бизнес унк» газетасини иккита масала қизиқтирмоқда. Ўзбекистонда ишбилармонлар сиқувга олинмоқда, деган хабарлар бор. Республика раҳбариятининг ишбилармонлик тузилмаларини чеклаш дастури борми?

ПРЕЗИДЕНТ: Эҳтимол, мен қайта такрорлаётгандирман. Аммо Конституциямизда хусусий мулк тақиқланиши у ёқда турсин, балки давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб ёзиб қўйилган.

Мен бундай гап-сўзлар қаердан чиққанини биламан. Бизда (бундайлар қаерда йўқ дейсиз?) «давлатни қайта қуриш» тарафдорлари бор. Бюрократия бизда ҳам етарли экани табиий. Бозорга ўтиш даврида эса у ўзини, айниқса, тажовузкорона тутмоқда. Сизларда ҳам шундай бўлган эди. Бозор муносабатлари ҳеч қаерда осонгина, силлиққина жорий қилинган эмас. Шу боисдан, ислоҳот мухолифлари пайдо бўлаётгани ҳам мутлақо табиийдир.

Бизда давлат назорати хизмати ташкил этилган. Унинг вазифаси Президент фармонларини, айниқса, бозор муносабатлари соҳасидаги фармонларни рўёбга чиқариш ва ижрони назорат қилишдан иборат. Кўпчилик буни навбатдаги қўшимча маҳкама, деб ҳисобламоқда. Республикада бозор муносабатларига ўтиш мақсади аниқ-равшан белгилаб олинган. Мабодо, Россияда ва бошқа давлатларда ўтмиш замонларни қумсаш мавжуд бўлиб, у кучайиб бораётган бўлса, бизда ундай эмас. Бундай бўлмайди ҳам! Республикамиз ўз йўлидан бормоқда. Бундай ишонч қаердан пайдо бўлди, деган савол туғилади.

Табиийки, Россияда рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистонга ҳам таъсир ўтказмоқда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мустаҳкам хўжалик, сиёсий, маданий алоқаларни бирданига узиб бўлмайди. Модомики, шундай экан, у ерда амалга оширилаётган тажрибалар хоҳлаймизми, йўқми, бизга ҳам таъсирини ўтказаверади.

Аммо биз кучли шимолий қўшнимизга қараб иш тутмаймиз. Республикада янги шарт-шароитга ўтишнинг ўзига хос, ўзига мос босиқ-вазмин концепцияси ишлаб чиқилган. Бу концепция нимага асосланади?

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсатнинг «қуйруғи»да бўлмаслиги керак. Бу —иқтисодиёт ҳамиша сиёсатдан юқори туриши лозим, демакдир.

Иккинчидан, фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятгина ислоҳотчи бўлса — ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Айнан давлат устивор жиҳатларни белгилаши, оқилона, ижтимоий ларзаларга йўл қўймайдиган босқичма-босқич сиёсат ўтказиши лозим. Давлат бошқариш жиловини қўлдан бермаслиги зарур.

Учинчидан, Ўзбекистонда 22 миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг йиллик кўпайиши салкам 550 минг кишини ташкил этади. Россияда эса туғилиш кескин камайиб бормоқда... Республикамиз аҳолисининг ярмига яқини ўн олти ёшгача бўлган болалардир. Фарзандларимиз баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун уларни ҳимояга олиб, едириб-ичириш, тарбиялаш лозим бўлади... Шулар қаторида қарияларимиз, муҳтож оилаларни ҳам. Яқинда Москвада чиқадиган газеталардан бирида Биробижонда саккиз кишидан иборат бутун бир оила ахлат ўрада ётган моддани туз деб, заҳарланганини ўқидим. Ақл бовар қилмайдиган мана шундай воқеаларни эшитганимда юрагим эзилиб кетади. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, бизда қашшоқлар, ахлатхоналарни титувчилар йўқ. Тўғри, ҳозир ҳаёт оғир. Аммо мен республика Президенти сифатида одамларнинг очарчиликка дуч келишига йўл қўймайман. Давлат ўз фуқароларини муҳофаза қилишга қодир бўлсагина, давлат бўлади. Бу борада бошқача йўл йўқ...

Тўртинчидан, қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши керак. Ким бўлишидан қатъи назар — у камбағалми ёки бойми, мансабдорми, йўқми, қонун олдида баробар бўлиши лозим! Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа илож йўқ! Юрт фаровонлиги учун меҳнат қилсангиз — раҳмат! Қонунни буздингизми, ватан бойлигини ўғирладингизми жавоб беринг!

Ниҳоят, **бешинчидан**, бозорга «юз» ёки «беш юз» кунни ҳисобга олиб ёндошиб бўлмайди. Бу ўринда Шарқнинг турмуш тарзини, руҳиятини, фалсафасини, унинг буюк Ислом динини ҳисобга олмоқ зарур! Асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик, қашшоқликсиз, одамларга зиён етмайдиган тарзда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтишдан иборат. Бу маънода ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли бор!

Бундай гаплар учун салмоқли далил-исботлар керак, албатта. Мен буни тушунаман. Ҳозир минглаб ёшларимиз Туркия, Америка, Англия, Францияда таълим олмоқда. Улар юртимизга энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар бўлиб қайтадилар.

Аминманки Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ. Давлатимизда ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, муқаддас замин, азим дарёлар бор. Бу диёрда меҳнатсевар, истеъдодли халқ яшайди. Хўш, бу — бойлик эмасми!..

МУХБИР: Президент жаноблари, кечирасиз, мен аввал берилган саволлардан бирига қайтаман. Ўзбекистонда мухолифат қанчалик ошкора ишламоқда?

ПРЕЗИДЕНТ: Мен Ўзбекистонда Конституция асосий қонун эканини яна бир бор эслатиб ўтишга мажбурман. Унда инсон ҳуқуқлари кафолатланган, кўп партиялилик негизидаги сайлов назарда тутилган. Энг муҳими — битта мафкуранинг ҳукмронлиги тугатилганидир. Нега эканини билмайман-у, аммо Ўзбекистонда партия ва ҳаракатларнинг ошкоралиги учун қаттиқ чеклов мавжуд деган фикр хорижда тез-тез такрорланиб турибди. Келинг, ҳаётга, фактларга мурожаат қилайлик. Бизда «Ватан тараққиёти» фирқаси иш олиб боряпти, унинг тарафдорлари ҳам анча. Бу фирқанинг бутун республикада тарқатиладиган ўз газетаси ҳам бор. Бу — ўз сафларида бизнесменларни, ишбилармонларни, ўз ватанини тезроқ бозор иқтисодиёти изига олиб чиқишга интилаётган бошқа кишиларни бирлаштирган партиядир. «Ватан тараққиёти» кучга тўлиб бормоқда. Имоним комилки, бу партия бўлғуси сайлов вақтида парламентда ва жойлардаги ҳокимиятларда анчагина овоз олади.

Иккинчи партия кўпчиликка маълум. У—Ўзбекистон Халқ Демократик партияси. Кўплар уни Коммунистик партиянинг вориси деб ҳисоблаб, Коммунистик партиядан ўсиб чиққан партиялар тоифасига киритишади. Бундай эмас, деб ишонч билан айта оламан!

Рақамларга мурожаат қиламан. Агар Ўзбекистон Коммунистик партияси сафларида 700 мингга яқин киши бўлган бўлса, Ўзбекистон Халқ Демократик партиясига атиги 220 минг киши кирди. Бунинг устига партияга кираётганларнинг асосий қисмини КПСС билан ҳеч бир алоқаси бўлмаган ёшлар ташкил этади. Шуни аниқ айтишим зарур: илгари юз берган номаъқулчиликларда оддий коммунистлар айбдор бўлмаган.

Ўзбекистонда Коммунистик партия Россиядаги ёки собиқ Иттифоқнинг бошқа мустақил давлатларидаги каби тугатилгани йўқ. У ўзини ўзи тарқатди! Сиқувлар, қувғинлар, қўрқитувларсиз юз берди бу ҳол...

Ўзбекистон Россиядан келтирилган коммунистик мафкурани қабул қилмайди, қабул қила олмасди ҳам. Европада илдиз отиши мумкин бўлган нарса шарқда униб ўса олмайди. Буни ҳамиша ҳисобга олмоқ керак.

Шундай бир касаллик бор, уни доҳийлик деб аташади. Эндигина бир-иккита шеър ёки ҳикоя ёзган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган баъзи шуҳратпараст ёшлар ширин орзуларга берилиб, баландпарвоз фикрлар юритишмоқда. Улар ўзларига нега сиёсатга аралашмайлик, нима учун бирор «партия»нинг йўлбошчиси бўлмайлик, Президент бўлсак арзимаймизми, ахир бу ҳавас қиладиган иш, деган саволларни беришмоқда. Жаҳон тарихида шундай мисоллар бўлса ҳам бу иш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Етакчи бўлиш учун ҳаётни билиш, оммага таяниш керак. Бу айниқса Ўзбекистон шароитида муҳимдир. Саволларингиз юракдан чиқаётганига қараганда, сизлар мухолифатдаги партия учун жуда қайғуряпсиз. Лекин сизга ҳам саволим бор: бундай ҳаяжоннинг сабаби нимада? Бу партияларнинг ҳар бир кишига, халқимизга тушунарли бўлган, оғиримизни енгил қиладиган аниқ дастури борми? Бундай дастур йўқ. Ижобий, халқ тили билан айтганда пичоққа илинадиган таклиф ҳам кўринмайди. Олиб борилаётган иқтисод, сиёсат нимаси билан сизларга ёқмайди? Айтинглар. Бунга жавоб йўқ. Республика иқтисодиёти тез юксалиши учун нима қилиш керак? Ўзбекистонда жиноятчилик, қонунларни бузиш, ёппасига порахўрлик авж олиб кетмаслигига қандай эришиш мумкин? Собиқ Иттифоқнинг бир қанча республикаларида ахир шундай аҳвол юз беряпти. Бу саволга ҳам жавоб беришмайди.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз иккита асосий вазифани ҳал қиляпмиз. Биринчиси — давлатни барпо этиш, мустақил республикани вужудга келтириш, унинг пойдеворини қуриш; иккинчиси — бозор иқтисодиётига ўтиш. Бунинг учун эса энг муҳими — тинчлик, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллий тотувлик зарур. Башарти шу мувозанат бузилса, мустақил давлатни барпо этиш хом хаёлдир. Бинобарин, бу мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун кучли ижро ҳокимияти зарур.

Мухолифат тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда мухолифатнинг иш олиб боришига рухсат этилган. 1994 йилда бўладиган сайлов энг демократик негизда ўтказилади. Айтмоқчи, Ўрта Осиё минтақасидаги барча республикалар орасида фақат Ўзбекистондагина дастлабки Президент сайлови муқобиллик асосида ўтди. Ҳамма жойда Президентликка даъвогарлар сайловчиларнинг юз фоиз овозини олдилар. Мен эса саксон олти фоиз овоз олдим. Бу билан фахрланаман. Чунки менинг рақибим бор эди. Аммо бу ҳақда нима учундир ҳеч ким гапирмаяпти.

МУХБИР: Русча оммавий ахборот воситаларида сизнинг армиянгиз, авиациянгиз Тожикистондаги фуқаролар урушида иштирок этмоқда деган хабар берилди. Айтишларича, Тожикистон мудофаа вазири ҳозирги лавозимини эгаллашдан олдин Ўзбекистон армиясида хизмат қилган экан. Шу гап тўғрими?

ПРЕЗИДЕНТ: Ўтган йилнинг май ойида Тожикистонда тўнтариш юз бериб, фуқаролар уруши бошланган, одамларни куйдириб, аёлларнинг қорнини ёриб ташлашган, қўлларини кесиб, бошларини танасидан жудо қилишган, хуллас ваҳшийлик билан ўттиз мингдан ортиқ одам қириб ташланган пайтда бу кўргулик кимнинг ёрдами билан бўлмоқда, деб ҳеч ким ўзига ўзи савол бермади. Душанбе атрофидаги даралардан бирида юзта «Стингер» ракетаси портлагани яқинда маълум бўлиб қолди. Тожикистонда бундай жанговар қурол ишлаб чиқариладими?! Бошқа жойдан эса кўпорувчилик қилиш учун ғамлаб қўйилган 400 тонна портловчи модда топилди. Булар қаердан келган? Ҳозир Тожикистонда Афғонистон, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг фуқаролари бўлмиш мужоҳидларни суд қилиш бошланмоқда. Лекин бу ҳақда лом-мим дейишмаяпти.

Ёрдам тўғрисида гапирадиган бўлсак, Тожикистоннинг қонуний йўл билан сайланган ҳукумати мадад беришни сўраб, барча МДҲ мамлакатларига мурожаат қилди. Ўрта Осиёдаги тўрт давлат раҳбарларининг Россия ташқи ишлар вазири ҳам иштирок этган Олмаотадаги кенгашида Тожикистонга ана шундай ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1992 йил май ойида Тошкентда коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу шартномага мувофиқ уни имзолаган етти мамлакатнинг ҳар бири зарур бўлган тақдирда бир-бирига ёрдам бериши шарт. Тожикистонда тартиб ўрнатилиши учун унга халқаро мадад ҳам зарур. Ўз вақтида мен БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Ғолийга шундай илтимос билан мурожаат қилган эдим. Лекин ҳозирча, деярли ёрдам ҳаракати сезилмаяпти. Кўпгина буюк давлатлар ҳозир Босния ва Герцеговинада тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилишяпти. Бу ҳаракатларга қўшиламан, албатта. Лекин Югославияга кўрсатилаётган эътиборнинг атиги бир қисми энди Тожикистонга қаратилса, тожик халқи халқаро ёрдам ҳаракатининг натижасини кўрса. Агар бу ерда тинчлик ўрнатилмас экан, оқибати қандай бўлишини айтиш қийин.

Совет қўшинлари Афғонистонга киритилганда жаҳон оммавий ахборот воситалари бу мамлакат ҳақида деярли ҳар куни ёзар эди. Аммо Совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилгандан сўнг сукунат бошланди. Ҳолбуки, айни пайтда Афғонистонда ярим миллион қуролли одам бор, улар энг замонавий қурол-яроғлар, ҳатто ракеталар билан таъминланган. Хўш, жафокаш Афғонистонда нималар бўлаяпти, у ерда хорижий қўшинлар бўлмаса, нима учун одамлар ҳалок бўлмоқда? Ким қурол-яроғ етказиб бераяпти? Бунинг жавоби қийин эмас. Афғонистон кимгадир тутаб турган олов каби зарур, шу олов чўғларини марказий Осиёдаги мустақил давлатларга олиб ўтиб, уларга тазйиқ ўтказиш мумкин. Бундай ҳаракатлар ёвуз кучларнинг мақсадларига киради.

Ҳозир Афғонистонда қурол-яроғ шу қадар кўп тўпланиб қолганки, ҳисобланса, жаҳондаги бошқа бирон мамлакатда (жон бошига) бунча қурол йўқ. Аммо бу ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Қурол-яроғлар ва наркотик моддалар чегара орқали Марказий Осиё Республикаларига ўтмоқда, аммо на Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, на бошқа халқаро ташкилотлар бу чегарани ҳеч қандай назорат остига олмаган. Афғонистонда, Покистонда, Эронда бизнинг минтақамизда кўпорувчилик фаолияти олиб бориш учун террорчилар гуруҳлари тайёрланмоқда. Бунга етарли маълумотлар бор. Тожикистон ҳудудида каллакесарларнинг хуружини бостириш чоғида жанговар самолёт ва вертолётлар қатнашган экан. Бу МДҲ Бирлашган қуролли кучлари қўмондонлигининг ишидир. Тожикистон — ялпи хавфсизлик кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоси, бинобарин ҳукуматнинг илтимосига биноан унга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Бу халқаро қонунларга асосланган тажрибадир.

Энди Тожикистон Республикасининг мудофаа вазири тўғрисида. Маълумки, Тожикистоннинг армияси эндигина тузилмоқда. Бунга қадар бутун собиқ СССР ҳудудида битта армия — Совет армияси бор эди. Шу армиянинг кадрлари ҳозир миллий армияларни тузишмоқда.

МУХБИР: Бундан икки ой муқаддам Тошкентда Ўрта Осиёдаги беш давлат бошлиқлари Марказий Осиё давлатлар минтақасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳозир қандай ривожланмоқда?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу минтақадаги республикаларнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Бу ўхшашлик олдин айтганимдек, маданият, урф-одатлар, анъаналар соҳасида ҳам, энг муҳими эса, иқтисодий салоҳиятда ҳам мавжуддир. Сув, минерал-хом ашё ресурслари шундай салоҳиятни вужудга келтирадики, у мустаҳкам бирлашиб иш олиб боришни талаб қилади. Шу асосда Марказий Осиё минтақаси барпо этилди.

Бошқа масала — ахборот соҳасида бирлашиш тўғрисида гапирмоқчиман. Тошкентдан бериладиган телекўрсатувларни бешта республиканинг ҳаммасида олиб кўрсатишга қарор қилинди. Бошқа давлатларда ҳам ана шундай каналлар барпо этилмоқда. «Новый день» («Янги кун») минтақалараро газетаси чиқа бошлади. Худди шунга ўхшаган «Осиё» газетаси Олмаотада ҳам чиқади. Буларнинг ҳаммаси халқларимизни бир-бирларига тағин ҳам яқинлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради.

МУХБИР: Ҳисоб-китоб маълумотлари тўғрисида бир неча савол. Айтингчи, 1992 йилда саноат ишлаб чиқариши 1991 йилга нисбатан камайдими? Агар камайган бўлса, қанча камайди? Пулнинг қадрсизланиш даражаси ва фаразларга кўра унинг кутилаётган суръатлари, ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомади қандай? Сизнинг давлатингиз Россиянинг энергетика ресурсларига қанчалик қарам, давлатингиз ўзини ўзи қанчалик таъминлай олади?

ПРЕЗИДЕНТ: Ҳисоб рақамлари — қайсар нарса, уни алдаб бўлмайди. Ўтган йилнинг якунларига кўра, собиқ иттифоқнинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш камайиб кетди. Бизда бу камайиш тўрт ярим фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бир қанча бошқа давлатларда бу кўрсаткич анча юқори. Россияда йигирма беш, Қозоғистонда — ўн олти ва ҳоказо. Ялпи миллий маҳсулотга нисбатан бюджет камомади беш бутун ўндан олти фоизни ташкил этди. Халқаро стандартларга кўра, бу кўрсаткич меъёрий ҳисобланади ва катта ташвишга сабаб бўлмайди. Шу билан бир вақтда саноатнинг енгил, нефть ва газ, нефтни қайта ишлаш каби тармоқларида ишлаб чиқаришнинг юксалиши кўзга ташланмоқда.

Пулнинг қадрсизланиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, рубль зонасидаги бирорта мамлакат ҳам унинг суръатларини аниқ белгилай олмайди. Бунинг калити рубль чиқарадиган марказ Москвададир. Рубль зонасида эканмиз, бошқа давлатлар каби биз ҳам шундай оқим гирдобида бўлишимиз табиийдир. Шунинг учун ҳам ўзимизни ҳимоя тадбирларимизни қабул қилишга мажбурмиз. Шулар қаторида озиқ-овқат товарлари маълум хилларини талон орқали сотиш ва савдода купон системасини жорий этишдир.

Барча қийинчиликларга қарамай, мен келажакка ишонч билан назар ташлайман. Ижобий жараёнлар ҳозироқ сезилиб қолди. Ўтган йили ишлаб чиқаришнинг пасайиши асосан бошқа республикалардан маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ бўлган катта корхоналарда юз берди. Хўжалик алоқаларининг узилиши уларнинг ишига кўпроқ таъсир қилди. Ҳозир биз маҳсулот турларини кўпайтиряпмиз, маҳсулот етказиб беришнинг бошқа йўлларини излаяпмиз, йилнинг дастлабки чорагида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш юксала бошлашига ишонаман.

Ҳозир республикада қишлоққа кўп эътибор берилмоқда. Кичик корхоналар ташкил этилмаган бирорта хўжалик бўлмаса керак. Етти юз минг гектардан кўпроқ суғорма ер хусусий кишиларга берилди. Шу туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Жорий йилимиз ўтган йилга нисбатан тағин ҳам самаралироқ бўлади, деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор.

МУХБИР: Собиқ Совет Армиясининг тегишли қисми ўтган йили Ўзбекистон назорати остига ўта бошлаган эди. Бу жараён қандай давом этмоқда? Асосан рус миллатига мансуб бўлган зобит кадрларни сақлаб қолиш учун нима қилмоқчисиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Ўзбекистонда ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган, парламент эса мудофаа ва қуролли кучлар тўғрисида бир қанча қонунларни қабул қилди. Зобитлар, ҳарбий хизматчиларга ҳақ тўлаш, уларнинг ижтимоий кафолати масалалари ҳал этилган. Хуллас, Республика Армиясидан кетишга интилаётганлар йўқ.

Қўмондон кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистонда учта ҳарбий билим юрти бор. Уларда таълим олиш учун турли миллатга мансуб кишилар ўқишга кирмоқда, аммо маҳаллий миллат ёшлари орасида ҳарбий касбни эгаллашга интилиш сезиларли даражада кучайди. Шу билан бир вақтда бизнинг армиямиз Россияда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар билан таъминланади. Унинг энг яхши анъаналарини қабул қилиб олади. Шу сабабли Россия армияси билан мустаҳкам алоқа қилиб турибмиз ва қилаверамиз.

Биз катта армия тузмоқчи эмасмиз. Мен Ўзбекистоннинг хавфсизлигини таъминлаш махсус зоналарини барпо этиш тегишли умумий шартномаларни тузиш билан боғлиқ деб биламан. Россия Марказий Осиёда хавфсизликнинг гарови бўлиши керак — менинг фикрим шундай.

МУХБИР: Президент жаноблари, собиқ Иттифоқнинг Жанубий Республикаларидан Ғарбга наркотик моддалар оқиб боряпти, деб хавотир олинмоқда. Сиз бундай бўлмаслигига кафолат бера оласизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Яхши савол. РАТА-ТАССнинг Париждаги мухбири «Монд» газетасига таяниб, гўё Ўзбекистонда наша етиштириш одат тусига кирмоқда, деб хабар қилганини яқинда эшитиб қолдим. Бундан ҳам бемаъни гапни тасаввур этиб бўлмайди. Биз яқин вақт ичида Интерполга аъзо бўлиб кирмоқчимиз. Бу мўътабар халқаро ташкилот асосан бангфурушлик соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашаётгани сизларга маълум. Ўзбекистонда наша етиштиришга қарши шафқатсиз кураш олиб борилмоқда. Биз «оқ ажал» Покистондан, Афғонистондан, бошқа мамлакатлардан Европага бизнинг ҳудудимиз орқали ўтмаслиги учун ҳамма чораларни кўряпмиз. Бу соҳадаги саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаяпти. Масалан, яқинда божхона ходимлари ёнғоқ деб ёзиб қўйилган контейнерларни очиб текшириб кўришди. Аслида бу контейнерларда чиройли халтачаларга жойланган юзлаб килограмм наркотик моддалар бор экан.

Биз наслимиз соғлом бўлишини таъминлашни ўзимизга буюк мақсад қилиб олдик. Дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон «Соғлом авлод учун» деган икки даражали орден таъсис этди. Бизнинг вазифамиз — энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда бангфурушликка, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган шафқатсиз курашни авваламбор ўзимизнинг порлоқ келажагимиз учун кураш деб биламан.

Биз турли мамлакатлардаги бангфурушликка қарши кураш соҳасидаги мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилибгина қолмай, уларнинг тажрибасини ўрганишимиз ва интерполга киришимизни тезлаштиришимиз керак.

МУХБИР: Президент жаноблари, сизнинг мамлакатингизда ислом дини қонун-қоидалари тикланиши яққол намоён бўлмоқда. Айни вақтда сиз Ўзбекистондаги барқарорлик учун ислом ақидапарастлиги энг катта хавф эканини бир неча бор айтдингиз. Рисоладагидек ислом билан барқарорлик ва тинч турмушни бузадиган жангари ислом ўртасида чегара борми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бултур мен асосий дини ислом бўлган кўпгина мамлакатларга бориб келдим. Маккаи мукаррамада, Мадинаи мунавварада, Эронда, Малайзия, Индонезия, Покистон, Мисрда бўлдим.

Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга муроса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади. Мен мусулмон мамлакатларининг ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизмни қоралайдилар. Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Қўпол сўз билан айтсам, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди. Буюк файласуфимиз Аҳмад Яссавий шундай фикрларни билдирганлар.

Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмоқда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир.

Хўш, бунинг нимаси ёмон? Илгари одамлар Қуръон сураларини ёд олишарди-ю, бу китобда баён этилган гапларнинг чуқур маъносини кўпинча тушунишмас эди. Энди ҳар бир киши она тилида Ислом динининг моҳиятини ўқиб олиши мумкин.

Аммо мен диннинг мутаассиблик мақсадларига, экстремизмга хизмат қилишига бутунлай қаршиман. Мисрда содир бўлаётган портлашларга, қўшни Тожикистонда рўй берган фожиаларга йўл қўйиб бўлмайди? Чунки Мисрда ҳам, Тожикистонда ҳам битта мақсад — муқаддас Ислом динидан фойдаланиб, ёвуз ниятли кимсалар ва кучлар ўз манфаатларига эришмоқчилар. Мансабпараст ва амалпарастлар одамларнинг динга бўлган ихлоси, муқаддас ишончи, пок умидларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланаяптилар. Тожикистон мисолида худди шундай ғаразли режалар учун қанча-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрини хазон қилиб, ҳеч кечирилмайдиган қурбонларга олиб келинганини кўриш мумкин.

Мавриди келганда шуни айтиб ўтмоқчиман: афсуски, бу борада оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Останкино» телевидениеси жуда хунук роль ўйнади. Унинг мухбирлари тоғдан тушиб келган кишиларни «Ислом демократлари» ва улар партократияга қарши курашмоқдалар, деб атади. Аммо ҳеч ким Душанбедаги Шоҳидон майдонида турган кишиларга катта пул тўланганини айтгиси келмади. Кейин нима бўлгани ҳаммага маълум— минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди, беҳисоб қон тўкилди. Бунинг учун демократия Тожикистонда бир ниқоб сифатида керак эди. «Демократлар» ҳокимиятга етиб борганларида, автоматлар ишга солинганида шиорлар улоқтириб ташланди.

Ибратли бир мисол. Тожикистон демократик партиясининг раиси Шодмон Юсуф Тожикистондаги русларни гаровга ушлаб турилган бандилар деди. Ақидапарастлар ҳатто мактаб ўқувчиларини гаровга олишдан ҳам қайтмадилар. Шунда ҳам уларни демократлар деб аташди...

Ҳамиша ҳам бузиш осон, янги уй қуриш анча мураккаб. Шунинг учун ҳам Ислом ақидапарастлиги Ўзбекистонга хавф солаяптими,— деган саволга: хавф солаяпти, деб жавоб қайтаришим мумкин. Айниқса, биз эркин демократик давлат қураётган ҳозирги пайтда ҳар қандай шаклдаги ақидапарастлик мақбул эмас деб ҳисоблайман.

МУХБИР: Ислом ақидапарастлигига муносабатингиз қандай? Жаноб Президент, ақидапарастликнинг таъсири Ўзбекистонга ҳам тарқаладими, деб ҳисобламайсизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Назаримда, «Ақидапарастлик» тушунчасининг ўзи кенг қамровлидир. Ислом ақидапарастлиги бор, коммунистик ақидапарастлик бор... Булардан иккови ҳам бизга мақбул эмас. Бу ўта номаъқул оқимлар чинакам демократик жамият қураётган давлат учун сира тўғри келмайди. Ўзбекистонда Ислом ақидапарастлиги хавфи бор ва бу хавф ортиб бормоқда. Мен мазкур масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Сиз демократик матбуот вакилларисиз, сиз ўз конституциясида озодликни олий қадрият деб эълон қилган мамлакатларнинг фуқаросисиз, лекин мен саволингизга савол билан жавоб бермоқчиман: сиз ақидапарастлик, экстремизм билан курашмоқ йўлида биз билан биргамисиз?

Бу ерда мухолифчилар эслатиб ўтилди. Ўзбекистонга ёрдам бериш тўхтатилсин, деб жар солаётган ана шу мухолифиятга тушуниш мумкинми? Буни қарангки, ана шу мухолифчиларнинг фикрича, гўё Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётган эмиш. Айни вақтда ҳар бир ақли расо киши шу нарсани англаб турибдики, бизнинг юртимизда жуда жиддий, жуда катта аҳамиятга молик масала, яъни Ўзбекистонда ақидапарастлик ва экстремизм ғолиб келадими ёки йўқми, деган муаммо ҳал этиляпти. Нима учундир шу масала бу ерда тилга олинмади. Сиз эса демократиянинг жарчилари бўлсангиз, бизга бу курашда ёрдам беринг. Қаддимизни ростлаб олишга кўмаклашинг. Навбатдаги ваҳшийликка қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиринг. Сўзларимнинг мағзини чаққанда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар хусусида турлича талқинлар келиб чиқиши мумкин. Албатта, бу мавзу хусусида баҳслашиш, исбот-далиллар келтириш ҳам мумкин. Аммо сиздан шуни сўрамоқчиман: Осиё дунёсида Ўзбекистон тақлид қилиши мумкин бўлган бирон бир идеал демократик давлатни айтиб бера оласизми?

МУХБИР: Ахир сиз Туркиянинг тараққиёт моделини маъқул кўрасиз-ку.

ПРЕЗИДЕНТ: Ҳа, бу биз учун иқтисодий юксалиш моделидир. Лекин мен ушбу модел демократик тараққиёт модели деган эмасман. Бу ҳар хил тушунчалардир. Лекин мени авторитаризм хусусида, сиёсатдаги қаттиққўллик хусусида танқид қилишадиган бўлса, баҳслашишга тайёрман.

Ҳолбуки, танқид қилиш, маслаҳат бериш жуда осон. Биз эргашишимиз лозим бўлган идеал демократия намуналарини бирма-бир санаб берингчи? Америкада, Германияда демократияни қарор топтириш учун неча йил керак бўлди? Ўша Қўшма Штатларни олайлик. Сан-Францискода Форс кўрфазидаги урушга қарши чиқаётган минг-минглаб одамларни бир куннинг ўзидаёқ ҳибсга олмоқдалар. Журналистлар бу демократиянинг бузилиши деб айтишмаяпти-ку? Аксинча, кўчага чиққан одамлар давлат тузумининг душманлари деб кўрсатилмоқда. Буни рисоладаги аҳвол деб бўладими?

(Давоми 3-бетда).

Ислом КАРИМОВ:

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!»

(Боши 1-, 2-бетларда).

МУХБИР: Республикада сўнгги вақтда рўй бераётган ижобий силжишлар Ўзбекистонда яшаётган корейсларга ҳам дахлдордир. Ўзбекистон раҳбарияти маданият марказини тузишга, анъаналар ва урф-одатларнинг тикланишига ёрдам берди. Лекин бизни Корея Республикаси билан ўзаро алоқалар қандай ривожланмоқда, деган савол ҳам ҳаяжонга солиб турибди.

ПРЕЗИДЕНТ: Мен ўтган йили Корея Республикасига сафар қилган эдим. Ушбу сафар ҳозирнинг ўзидаёқ, аввало, иқтисодий соҳада ижобий натижалар беряпти. Бизнинг ташқи савдо ташкилотларимиз Кореянинг бир қанча етакчи фирмалари, шу жумладан «Дэу» ва бошқа фирмалар билан амалий муносабатлар ўрнатди. Энг юқори даражада давлатлараро муносабатлар ҳақида, сармояларни ўзаро муҳофаза қилиш негизлари тўғрисида ва бошқа масалалар хусусида ҳужжатлар имзоланди. Энг муҳими — ана шу шартномалар Ўзбекистонда ҳам, Корея Республикасида ҳам хайриҳоҳлик билан кутиб олинганидир. Демак, биз тўғри йўлдан бормоқдамиз. Жамоатчилик фикрига таяниб, худди ана шу йўлдан илгарилаб бораверамиз.

Аммо бу муносабатларда иқтисодий жиҳат билан бир қаторда миллатга дахлдор сиёсий жиҳатни ҳам назарда тутиш лозим. Ўзбекистонда бошқа миллатлар вакиллари қатори икки юз минг корейс ҳам яшамоқда. Биз улар ўзларини худди ватанларидагидек ҳис этишлари учун ҳамиша ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Ўзбекистонда яшаётган барча кам сонли миллатлар ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлиги республиканинг асосий қонунида ҳам ёзиб қўйилган.

МУХБИР. Тожикистонда ўзбек қўшинлари борми, авиациянгиз қўзғолончилар позицияларини бомбардимон қилишда қатнашдими?

ПРЕЗИДЕНТ: Очиғини айтсам, «қўзғолончилар» деган сўз менга номақбул. Ҳозир Тожикистонда кескин сиёсий кураш бормоқда. Шу кураш оқибатида фуқаролар уруши бошланиб кетгани жуда ачинарлидир. Бу урушнинг қўшни республикалар ҳудудига тарқалиб кетишидан худонинг ўзи асрасин. У ҳолда салбий жараённи тўхтатиб қолиш жуда мушкул бўлади. Бу масалада ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Шу ўринда бир савол қалқиб чиқади: чегарадош мамлакатларда жанговар тузилмалар тайёрланаётган, Тожикистонга Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистондан қурол етказиб берилаётган экан, хўш, шундай шароитда Тожикистон ўз чегараларини ўзи ҳимоя қила оладими? Ўзбекистон биродаркушлик урушига чек қўйиш учун имкони бўлган барча ишларни қилмоқда. Аммо халқаро жамоатчилик ҳам бу ўринда ўз сўзини айтиши керак. Жумладан, сиз — журналистлар ҳам ўз сўзингизни айтишингиз лозим. Тожикистондаги вазият ақл бовар қилмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Буни албатта ҳисобга олиш лозим бўлади. Чегарадаги кучлар ҳисобга олинмаса, Тожикистон ерида Ўзбекистон фуқароси бўлмиш биронта ҳам қуролли аскар йўқ.

МУХБИР: Президент жаноблари, сиз ўз сўзингизда Россиядаги парокандаликдан хавфсираётганингизни айтиб ўтдингиз. Бу республикада шу яқин орада воқеалар қандай кечади деб ўйлайсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: Ростини айтсам, шундай савол берилишини кутган эдим. Буни долзарб савол деб ўйлайман. Мавриди келиб, биз Борис Ельцин билан Москвада икки давлат ўртасида шартнома имзолаганимизда, мен Ўзбекистон Россиясиз ўз келажагини тасаввур эта олмайди, деган эдим. Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам шундай: икки томоннинг иқтисодий равнақини ўйласак, бу алоқаларни узиб ташлаш мумкин эмас.

Айни вақтда Россияда олағовур жараёнлар кечмоқда. Сиз, журналистлар Россиядаги сиёсий, конституцион танглиқдан яхши хабардорсиз, иқтисодий беқарорлик сабабли бу танглик яна ҳам оғирлашмоқда. Назаримда, юқорида санаб ўтилган кўп воқеалар шу боисдан ҳам содир бўлмоқдаки, баъзи кимсалар ислоҳот барбод бўлгани учун жавобгарликдан қочмоқчилар. Сиёсий олишув авж олиб кетган вақтда иқтисодий соҳада йўл қўйилган камчиликларни босди-босди қилиб юбориш осонроқ-да.

Бир вақтлар мен Горбачевга бошланаётган ўзгаришлар хусусида савол бериб, қайта қуришнинг концепцияси борми ўзи, деб сўраган эдим. Бундай савол берилганида ҳамиша унинг жаҳли чиқиб: «Сизга ўзи қанақа концепция керак, Наполеон уруш бошлар экан, аввало майдонга тушиш керак, ким ғалаба қилишини кейин кўрамиз дерди», деб жавоб берарди. Назаримда, ҳали яқингачаям 300 миллион одам яшайдиган жуда катта мамлакатда бундай ёндошувга йўл қўйиб бўлармиди? Россиядаги иқтисодий тангликнинг сабабларидан бири шуки, аниқ-равшан концепция, ислоҳотларнинг собитқадам дастури йўқ.

Хўш, мен кўпроқ нимага мойилман? Мен Россиядаги ислоҳотлар муваффақиятли бориши учун демократия тарафдориман. Чунки биз бундан ниҳоятда манфаатдормиз. Агар Россия федерациясидаги ислоҳотлар охирига етказилмаса, агар диктатура ҳокимият тепасига келса, бу албатта бизга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шу боисдан ҳам биз Ўзбекистоннинг мустақиллигига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидни аниқ-равшан тасаввур этиб турибмиз. Биз Борис Ельцин барча партиялар ва ҳаракатлар билан иттифоқ тузишини истар эдик. Фақат шу тақдирдагина сиёсий олишувлар иқтисодий тараққиётга зиён-заҳмат етказишини, Россия устида пайдо бўладиган хавф-хатарни бартараф этиш мумкин.

Шуни таъкидламоқчиманки, Ельцин ўз йўлига тузатишлар киритиши керак.

МУХБИР: Жаноб Президент, учрашув учун, саволларимизга шу қадар батафсил жавоб берганингиз учун катта раҳмат. Биз Ўзбекистон журналистлар уюшмасидаги ҳамкасбларимизга ана шу учрашувни ўтказишда кўрсатган саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирмоқчимиз...

ПРЕЗИДЕНТ: Жаноб Марко Полити, маъзур тутинг, ўзингиз савол бермайсизми?

МУХБИР: Бажонидил. Сиз Россия мазкур минтақа хавфсизлиги учун кафолат бўлиши керак деб айтдингиз. Ельцин эса Россия собиқ Совет Иттифоқидаги тинчлик учун кафолат бўлиши керак деган эди.

ПРЕЗИДЕНТ: Саволингизга тушундим. Ҳозир мустақил бўлган Ўрта Осиёдаги барча республикалар Россия билан чамбарчас боғланган. Фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, аввало, хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам боғланган. Ўзаро алоқаларимиз жуда мустаҳкам. Ўзбекистонда бир миллиондан кўпроқ руслар яшамоқда. Агар бутун минтақа миқёсида оладиган бўлсак, бундан анча кўп. Маънавий қардошлик ҳам бизни боғлаб турибди. Мен амалиётчиман, шу боисдан ҳам бизнинг манфаатларимиз билан Россиянинг манфаатлари чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблайман. Россия ўзининг куч-қудрати билан Марказий Осиё хавфсизлигининг кафолати бўлиши керак. Лекин битта шарт билан: ўзининг мустақиллигини ҳурмат қиладиган давлат бошқаларни ҳам истиқлол йўлидаги қадамларига кўмаклашиши зарур. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бизда мустақил армия бўлган тақдирда ҳам улар Россия армияси билан дўст бўлади, албатта. Мен Россиянинг келажагига ишонаман ва жами орзуларимизнинг ушалишини унинг юксалиши билан боғлайман. Бу давлат, албатта, илғор марраларга чиқади, биз ҳаммамиз биргаликда кўп ютуқларни қўлга киритамиз.

МУХБИР: Ташаккур. Биз бу ошкора мулоқотни узоқ вақт эслаб юрамиз.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ СОБИҚ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ИҚТИСОДЧИЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Республикамизнинг мустақил деб эълон этилиши, жаҳон ҳамжамиятида тан олиниши, она юртимиз тарихида муҳим ижтимоий ва сиёсий воқеадир. Бу — халқимизнинг асрлар давомида орзу қилиб келган умидининг рўёбга чиқишидир.

Сиёсий мустақилликнинг ўзи билан ҳамма иш битавермайди. У иқтисодий равнақ ва ривожланиш билан тўлдирилгандагина ўзининг тўлиқ аксини топади ва шундагина эл-юртнинг, миллат ва элатнинг фаровонлиги ортади, турмуш гўзаллашиб, мамлакат юксак, ривожланган давлатлар сафидан ўрин олади.

Бошқаришнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосланган, пухта усул ва методларини қўллаб, ички имконият ва шароитлардан тўла, самарали фойдаланиб, меҳнаткаш омма ва мутахассисларнинг ижодий ташаббусига суяниб, қолаверса, ҳозирги бозор муносабатларида яшаётган мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда олий мақсадимизга эришмоғимиз, бунинг учун эса, тинимсиз, самарали ва ижодий меҳнат қилмоғимиз ва унда ёш мутахассисларни дадил қадамларига кенг йўл очмоғимиз лозим.

Бозор муносабатига ўтиш, ишбилармонликнинг янада ривожланиши ва такомиллашувини таъминлаш ҳамда уларни давлат йўли билан тартибга солиш, энг муҳими, мавжуд иқтисодий муаммоларимизни ижобий ҳал эта оладиган компьютер техникасидан фойдалана оладиган етук, тадбиркор мутахассис кадрларни ҳам ўзимизда, ҳам хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тайёрлаш ҳозирги кунимизнинг энг долзарб вазифаларидандир. Чунки, тадбиркор, мустақил фикрловчи, бозор иқтисоди асосларини ва чет тилини биладиган, ташқи иқтисодий алоқаларга оид масалаларни тўғри ҳал эта оладиган, молия, банк ишларини чуқур ва мукаммал таҳлил қила оладиган мутахассисларсиз Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириб бўлмайди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, халқимизнинг доимий фазилати бўлган ҳақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтириш даркор. Бинобарин, бу вазифаларни амалга ошириш учун республикамиздаги ҳар бир иқтисодчи мутахассис, хўжалик раҳбари, ҳар бир олим, иқтисодиёт соҳасидаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ўз шарафли ва масъулиятли бурчларини чуқур ҳис этмоқлари ва амалий ҳисса қўшмоқлари лозим.

Биз, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг собиқ талабалари ва шу олийгоҳнинг кўп сонли профессор-ўқитувчилари республикамиздаги барча ҳамкасбларимизни ушбу олижаноб ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда якдиллик билан фаол иштирок этишга чақирамиз.

Ушбу мурожаатнома Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини битирган талабалар учрашувида қабул қилинди.



Тошкент вилоятининг Зангиота тумани хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар тобора кўплаб қурилмоқда. Навоий номли жамоа хўжалигида шундай корхоналардан бири — «Фаровон» фирмаси ишлаб турибди. Ушбу суратда фирманинг пешқадам ишчиси Зулфия Солибоевани кўриб турибсиз.

Д. АҲМАД олган сурат.

Сўраган эдингиз

Божхона қоидалари ёдингизда бўлсин

МУСТАҚИЛЛИК — ҳар бир фуқарога қафасдан бўшалган қуш мисоли ўзини эркин ҳис этиш имкониятини берди. Эндиликда исталган қўшни ва олис давлатлардаги ёр-биродарлари, таниш-билишлари ҳузурига меҳмонга, ўқишга, ишга, спорт мусобақаларига ва ҳоказоларга эркин бориши учун кенг имкониятга эга. Лекин ҳар бир мустақил давлатнинг ўз сарҳади, унинг соқчиси бор, хорижий элларга чиқишда божхона назоратидан ўтиши аён. Хорижий элларга нималарни олиб чиқиш ёки чиқмаслик, олиб кириш қоидаси аниқ белгилаб қўйилган.

Хорижга сафарга отланган киши мамлакатимиздан ўзи билан бирга нималарни ва қанча миқдорда олиб чиқиши мумкин! Муштарийларимизда таҳририятимизга келган кўпдан-кўп хатларда ана шу саволга жавоб беришимиз сўралган. Қуйида божхона қоидаларидаги сўнгги янгиликларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1. Хорижга вақтинча ишга, ўқишга, гастролларга, кўргазмаларга, йиғилишларга, симпозиумларга, спорт мусобақаларига, фестивалларга ва ҳоказоларга жўнаб кетаётган МДҲ мамлакатлари фуқароси қуйидагиларни:

а) хорижда сарфлаш ва уни алмаштириш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда 3000 сўм миқдорида совет валютасини;

б) ҳар бир кишига 200 АҚШ доллари ёки шунга тенг миқдордаги хорижий валютани Хорижий валютанинг кўрсатиб ўтилганидан ортиқча миқдори банкларнинг, божхона ёки хорижий валютага ТС—28 формаси бўйича тасдиқланган олиб ўтишга ижозат бўйича божхона декларацияси бўлганда;

в) нодир металлардан ва қимматбаҳо тошлардан ишланган заргарлик буюмлари миқдори фуқароларнинг шахсий фойдаланиши учун зарур бўлгани, қайтариб олиб келинадиган ва божхона назорати қоидаларига риоя этиладигани;

г) фуқаронинг шахсий фойдаланиши учун зарур бўлган буюмлар хорижда бўлишининг мақсади, йилнинг вақти ва бўлиш муддатига қараб ҳеч қандай сўзсиз олиб ўтиши мумкин.

Давлатнинг барча фуқароларига ҳеч қандай тўсиқсиз қуйидагиларни: хорижий валюта, божхона назорати қоидаларига риоя этиш билан ҳам сотиб олинган, ҳам совға қилишга олиб кетилаётган нодир металлар ҳамда қимматбаҳо тошлардан ишланган заргарлик ва рўзғор буюмлари (табиий дурдан тайёрланган буюмлардан ташқари) ҳар бир шахсга 200 граммгача бўлгани божсиз, 200 граммдан ортиғининг ҳар 1 граммига 45 сўм миқдорида божхона божини тўлаш билан олиб ўтишга ижозат берилади. Бир шахсга умумий вазни 400 граммдан ортиқ бўлган дур ва ундан ишланган буюмлар МДҲ мамлакатларига олиб чиқиб кетилиши мумкин эмас.

МДҲ мамлакатларининг барча фуқаролари шахсан фойдаланиши учун хориждан олиб келаётган буюмлари божсиз ўтказилади. Коммерция ва ишбилармонлик мақсади учун белгиланган буюмлар божхона божи ставкаси бўйича божхона божини тўлаганидан кейин ўтказилади.

2. Вақтинча хорижга шахсий иш, сайру-саёҳат сафарига, дам олиш ва даволанишга жўнаб кетаётган МДҲ мамлакатлари фуқаролари учун, шунингдек, вақтинча хорижга ишга, ўқишга, гастролларга, кўргазмаларга, спорт мусобақаларига ва ҳоказоларга жўнаб кетаётган МДҲ мамлакатлари фуқаролари учун ҳам совет, хорижий валюта, қимматбаҳо тошлардан ишланган заргарлик буюмларини олиб чиқиш ва олиб киришга рухсат этилади. МДҲ мамлакатларида амал қилаётган чакана нархларда бир шахсга умумий қиймати 3000 сўмгача бўлган буюмлар ягона нусхаларда эсдалик совғалари ва туҳфалар сифатида олиб чиқилиши мумкин.

Умумий қийматининг миқдори 3000 сўмдан ортиқ бўлган эсдалик совғалар ва туҳфалар божхона божи ставкаси бўйича божхона божи тўлангандан кейин олиб чиқишга ижозат берилади. Бу қоида билан Тошкент аэропортида танишиш мумкин.

Қуйидагилар МДҲ давлатларидан олиб чиқилиши ва хориждан олиб кирилиши ТАЪҚИҚЛАНАДИ:

қуроллар (совуқ ва ўқ отар), ўқ-дорилар, гиёвандлик, руҳий таъсир қиладиган, заҳарли ва радиоактив моддалар. Таркибида наркотик моддалар бўлган дори-дармонлар фақат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг наркотик моддаларни назорат қилиш юзасидан Доимий қўмитасининг махсус ижозати билан ўтказилади.

Ўтиш даври сабоқлари

Чироқчи тумани ёшларининг бу галги XXXII конференцияси олдингиларига сира ўхшамади. Чунки, туман ёшларининг ўтган конференцияси кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлганди. Биринчи ва иккинчи котиблари ишдан бўшаб, минбардан бош эгиб чиқиб кетганлари ҳали-ҳали эсимда.

Бош эгиб кетганлар бўлмади...

Туман ҳокимлиги мажлислар залига тўпланган конференция қатнашчилари анжуман олдидан вилоят Ёшлар Иттифоқи мукофотининг лауреати мусаввир Абдуҳалил Қурбонов ва ёш мусаввирлар Илҳом Назаров, Баҳодир Сувоновлар асарлари кўргазмасини томоша қилишди. Залга кираверишда китоб савдоси ташкил этилган. Туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган Сарвар Абдуллаев бошлиқ «Сабо» ёшлар эстрада дастаси ўз қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд қилди. Делегатларни рўйхатга олувчилар керакли анжомларни бериш билан бирга ўтган йили чоп этилган чироқчилик ёш ижодкорлар Улуғбек Борлос ҳамда Дилфуза Расул қизининг «Митти юлдузим», «Хабарчи турналар» китобларини тарқатдилар.

Чироқчи республикамиздаги энг катта туманлардан бири ҳисобланади. Шунга яраша муаммолар ҳам оз эмас. Лекин ёшлар, байналмилал жангчилар, ишсизлар ўртасидаги муаммолар доимо ёшлар ташкилоти эътиборида бўлган. Уларни ижтимоий ҳимоялаш учун амалий ишлар қилингани рост. Шунингдек, тумандаги истеъдодларни топиш, уларнинг катта ижодий йўлларига оқ йўл тиловчилар ҳам ёшлар ташкилоти бўлди. Тез-тез ҳар хил мусобақа, конкурслар уюштириб ёшлар ишончини қозонишга ҳаракат қилди. Туман марказидаги хиёбонда марҳум байналмилалчи жангчиларга ўрнатилган ёдгорликни ёшларнинг ўз кучи билан қурилганлиги, ночор оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилгани шулар жумласидандир. Тўғри, ёшлар ташкилотларида ишловчиларнинг маоши оддий қоровулникидан кам бўлгани боис, уларнинг кўпчилиги ўз иш жойларини тарк этган.

Анжуман қатнашчилари туман ҳокимлигининг ғамхўрлигини эшитиб бир варакайига чапак чалиб юборди. Негаки, энди жойлардаги бошланғич ташкилотлар котибларига ўша жойнинг ўзидан маош бериладиган бўлди. Бу туман ёшлар ташкилоти хазинасининг ўсишига ёрдами тегади. Муҳими, бу — ишонч, эътибор.

Вилоят ёшлар ташкилоти котибаси Бегам Қораева фаол ёшлардан А. Духмаров, С. Темирова, Б. Тоғаев, Н. Исмоилова, Б. Имомов ва А. Тўраевларга Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ҳамда вилоят Ёшлар Иттифоқининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Ортиқча баҳс-мунозараларсиз, фақат бир мақсад сари, яъни натижали ишлар орқали ёшлар меҳрини қозониш руҳида ўтган конференцияда Тоҳир Шаймонов яна биринчи котиб этиб сайланди.

Чироқчи тумани ёшларининг XXXII конференциясидан шу нарса кўриндики, энди ёшлар ҳам ортиқча ваъзларни эмас, фаоллардан амалий ишларни кутади. Шунинг учун ҳам бу гал минбардан ҳеч ким бош эгиб кетмади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

АВЛОДЛАР САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Тошкентда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси уюштирган республика кенгаши бўлди. Унда Республиканинг барча минтақаларидан келган олимлар, мутахассислар ва жисмоний тарбия — спорт ишларининг ташкилотчилари қатнашдилар. Ҳозирги шароитда ва келажакни кўзлаб жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш дастури муҳокама қилинди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси С. Рўзиев, кенгашда сўзга чиққан бошқа кишилар Республика Президенти, раҳбарияти ижтимоий сиёсатида соғлом, жисмоний баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида аҳамият бераётганлигини таъкидладилар.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида бош вазир ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

КОРЕЯ ЯРИМ ОРОЛИДА «ТИМ СПИРИТ» МАШҚЛАРИ

Корея ярим оролида Жанубий Корея ва АҚШнинг «Тим спирит-93» ҳарбий машқлари бошланди. Бу машқларни ўтказиш учун Корея ярим оролига ва унинг теграсига энг янги қирувчи самолётлар, ядро қуроли жойлаштирилган кемалар ва бошқа воситалар келтирилди. Иттифоқчилар ўз ҳудудларидан ва Осиё—Тинч уммони минтақасининг Гуам, Гавай оролларидаги ҳамда Япониядаги ҳарбий базаларидан 120 минг кишилик армияни, жумладан, «зудлик билан ҳаракат қилувчи» кучларни жалб қилишмоқда.

Шу муносабат билан КХДРда ярим ҳарбий ҳолат жорий этилди. Маълумки, АҚШ ва Жанубий Корея «Тим спирит» машқларини 1976 йилдан буён мунтазам ўтказиб келмоқда. Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида мамлакатларнинг тинч бирлашиши юзасидан музокаралар бошлангач, Жанубий Корея 1992 йилдан бу анъанавий машқларни ўтказмасликка қарор қилган эди. РАТА—ТАСС мухбирининг Сеулдан хабар беришича, Жанубий Кореянинг шимолий Кореяда ядро қуроли ишлаб чиқилмаётганига шубҳа билдириши ҳар икки мамлакат ўртасида ишонч қарор топишида ғов бўлиб келмоқда.

(ЎзА).

МАҲКАМА ИШИ ҚОНИҚАРСИЗ ДЕБ ТОПИЛДИ

Чечня парламенти президент Жоҳар Дудаев бошчилигидаги Чечня Вазирлар Маҳкамасининг ишини қониқарсиз деб топди. Парламент ташқи ишлар қўмитасининг раиси Юсуп Сўсламбековнинг сўзларига қараганда, бу қарорга мувофиқ президент Жоҳар Дудаев ё бутун Вазирлар Маҳкамасини истеъфога чиқариши ёки уни тубдан янгилаши лозим. Парламентнинг қарори хусусида Жоҳар Дудаев ҳам, ҳукумат аъзолари ҳам ҳозирча ҳеч нима дегани йўқ.

ПУЛГА СОТИЛГАНЛАР

Молдова прокуратураси билан Ички ишлар вазирлиги Руминия билан чегарада текшириш ўтказганида божхона ходимлари ва миршаблар пулга сотилаётгани аниқланди. Таъмагирликда гумон қилинган 11 божхона ходими ҳозирнинг ўзидаёқ ҳибсга олиниб, тергов қилина бошлади. Гумон қилинганлардан жами ўн уч миллион сўмлик валюта ва моддий бойликлар мусодара этилди.

● **СОБИҚ СССР давлатининг таниқли раҳбарларидан бири Е. К. Лигачев шахсий ташриф билан Италияга келди. Нашриётчи Роберто Наполеоне унинг «Горбачев сири» номли китобини чоп этганлиги муносабати билан Егор Кузьмич бу ерда меҳмон бўлиб турибди.**

● **АВСТРАЛИЯ ғаллачилик қўмитаси яқин кунлар ичида Россияга 50 минг тонна дон сотишини маълум қилди. Қўмита тарқатган хабарга кўра, Россия илгари олган дон-дун учун Австралияга қарзининг бир қисмини тўлади. Энди бериладиган дон Россиянинг яқин уч-тўрт йил ичида 50 миллион доллар қарзини тўлалигича тўлаш шарти билан етказилади.**

● **ХИТОЙНИНГ шимоли-шарқида жойлашган Хэйлунцзян музофоти Россия федерацияси ва бошқа МДҲ мамлакатлари билан истиқболли ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантиради. Музофот губернатори Шао Цихуайнинг Синьхуа агентлиги мухбирига маълум қилишича, Россия билан чегара бўлиб савдо ҳажми кейинги беш йил ичида 61 марта ўсди ва товар айрибошлаш ҳажми 2,1 миллиард Швейцария франкига тенг бўлди.**

● **РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, «Интурист» Россия акциядорлик жамияти раиси Александр Малинин собиқ иттифоқ сайёҳлик нуқтаи назаридан ягона ҳудуд бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди. «Интурист» раҳбарининг фикрича, чет эллик шериклар ўз мижозларига собиқ иттифоқ мамлакатларини ўз ичига олган йўналишлар бўйлаб саёҳатлар уюштириш ниятида экан.**

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **28 МАРТДАН бошлаб Россия ҳудудида «ёзги» вақтга ўтилади. Шу муносабат билан Россия Федерацияси ҳукумати 28 март куни соат 2 да вақтни бир соат олдинга суриб қўйиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу давр шу йилнинг 26 сентябригача давом этади.**

● **ПОКИСТОННИНГ собиқ Бош вазири Беназир Бхутто фақат сиёсий раҳбаргина эмас, балки ибратли оила бекаси ҳамдир. Унинг Билавала исмли ўғли ва Бахтавар исмли қизи бор эди. Яқинда Лондонда учинчи фарзанди — қизи Асифа дунёга келди. Шу муносабат билан қамоқда ётган эри Асиф Али Зардори вақтинча тилхат билан қўйиб юборилди.**

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚОРНИ ЁРИЛИБ ЎЛДИ

● ИТАЛИЯЛИК 34 ёшли ўта семиз аёл Мари Кавадини бир неча йиллик парҳездан сўнг 30 килога озиб, 193 килолик тош босиб қолган эди. Аммо дўхтирларнинг парҳезга мажбур этиши, қорни тўйиб овқат емаслик унинг жонига тегди. Шунинг учун яқинда қорни тўйиб овқат емоқчи бўлди ва ошхонани ичидан қулфлаб роса бўкиб овқат еди. Бироқ кўтаролмади, вафот этди, тўғрироғи, қорни ёрилиб ўлди, дейди Мари Кавадинининг шахсий дўхтири Жузеппе Монтанелли. Унинг айтишича, Марига курканинг гўшти ортиқчалик қилган.

Маълум бўлишича, Кавадини ҳақиқатан ҳам тўйиб-тўйиб овқат емоқчи бўлган. У 12 та қовурилган жўжани, бузоқ гўштидан тайёрланган 9 та бифштексни, 28 та гамбургер (хамирли котлет)ни, 36 та тухумни, 4 та француз булочкасини, 1 кило сосискани, 12 та кремли пирожкани, 5 литр апельсин шарбатини, 3 литр қизил винони ва ярим литр арақни паққос туширган. Бироқ шунча емиш ҳам унга камдек туюлди, аниқроғи, тўйганини сезмади ва битта қовурилган курканы ҳам емоқчи бўлди, лекин гўштнинг бир бўлаги унинг оғзида қолди. Ошқозони чидаш бермади, ёрилиб кетди ва натижада Мари Кавадини оламдан ўтди.

ҚАҲВА ЖИНСИЙ ҲАЁТНИ ФАОЛЛАШТИРАДИ

● ҚЎШМА ШТАТЛАРДА ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳар куни бир стакандан қаҳва ичиб турган қариялар қаҳва истеъмол қилмаётганларга нисбатан жинсий ҳаётда анча фаол эканлар. Тадқиқот 744 нафар 60 ёшдан ошган Мичиган штатилик чолкампирлар орасида ўтказилган бўлса, шундан атиги 36 фоизигина жинсий яқинликка иштиёқ сезмаган. Қаҳва ичмаганлар орасида эса бу кўрсаткич 59 фоизни ташкил этади.

Мичиган штатидаги «Вильям Бумонт» касалхонасининг тадқиқотчи дўхтири Анйас Дьюнаконинг айтишича, қаҳва марказий асаб системасини қўзғатар ва кишига яширин куч-қувват бағишларкан. Бироқ қаҳва яна бир муаммони келтириб чиқаради: қонда холестерин кўпайиши кутилади.



ЖАМҒАРМА. БУ СЕНИКИ ТАЛАБА

Узбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида Талабалар жамғармаси бошқаруви аъзоларининг пойтахт олий ўқув юртлари талабалар уюшмалари раислари билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқотни жамғарма президенти, Узбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Бўри Алламуродов олиб борди.

Мазкур учрашувда яна бир бор Талабалар жамғармаси фаолиятига назар солинди. Унинг вазифалари ва режалари билан танишилди.

— Талабалар жамғармасининг асосий мақсади ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабаларини иқтисодий танглик даври «калтаклари»дан ҳимоя қилишдир, — деди жамғарма бош директори Шуҳрат Қосимов сўз олиб. — Талабаларни ўқишдан бўш вақтларида иш билан таъминлай билиш, оилали ёшларга ёрдам бериш каби талай вазифалар ҳам зиммамизда...

Нотиқ ёзги талабалар оромгоҳини ташкил этиш, хорижлик талабалар билан халқаро миқёсда гуруҳлар алмашиш, ижодкор талабалар ўртасида фестивалларни, кўрик-танловлар ўтказиш, ногирон талабаларга ёрдам бериш каби қатор тадбирмасалалар хусусида ҳам гапириб ўтди.

Сўнгра олий ўқув юртларининг талабалар касаба уюшмаси раислари сўз олдилар. Улар жамғарма фаолиятига муносабат билдириб, ўз таклиф ва истакларини айтишди.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.

Жиноятчиликка қарши кураш — барчанинг бурчи

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг сўнгги маълумотномасида яна бир жиноятчилик — давлат мулкини талон-тарож қилиш очилгани қайд этилди. Милиция ходимларининг шошилинч чора-тадбирлари туфайли иштихонлик, ҳеч қаерда ишламайдиган Бўстон Худойқулова уч литр спиртни 3600 сўмга пуллаётган пайтида ушланди. Тўғри, бу қинғир иш кўпчиликни ажаблантирмаслиги мумкин. Лекин гап бошқа ёқда экан.

Хонадонда ҳар бири 200 литрлик бўлган 53 та идишда жами 10600 литр спирт сақланаётгани аниқланди. Мутахассислар унинг таҳминий баҳоси 12,5 миллион сўм, демоқда.

Февраль ойида вилоятда 50 га яқин қотиллик юз бергани аниқланди. 100 миллион сўмдан зиёд саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари яшириб қўйилгани фош этилди. 40 килога яқин наркотик модда, кўплаб қуроллар топилди.

— Бугунги кунда рўй бераётган жиноятчиликнинг хоҳ оддий, хоҳ уюшган кўриниши бўлсин, унинг асосида иқтисодий масала ётганини кўрамиз, — дейди вилоят ички ишлар бошқармасининг штаб бошлиғи, милиция полковниги К. Жаводов. — Энди ана шу иқтисодий тақчилликка адолатсизлик қўшилганида нима бўлишини тушуниш қийин эмас. Мисолларга мурожаат этайлик. Челак тумани тайёрлов ширкати сотувчиси Б. исмли шахс харидорни 605 сўм 35 тийинга алдаётганида милиция ходимлари қўлга олди. Дўкон мудири М.нинг уйидан эса савдодан яшириб қўйилган музлатгич, автомашина шиналари, калиш, чой каби жами 1 миллион 243 минг сўмлик маҳсулот чиққани фикримизни тасдиқлайди. Урганутлик дўкон мудири М. 3 миллион сўмлик молни харидор кўзидан пана жойда сақлаганига нима дейсиз?

Каттақўрғон туманида Н. исмли ўқитувчи уйида 159 шиша «Самарқанд» коньяги, 91 шиша арақ, шунингдек, кўплаб миқдорда ёрлиқ ва шиша қопқоғи сақлаётганининг сабабини изоҳлай олмади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Турган гапки, бу моллярни яширишдан мақсад сунъий тақчилликни юзага келтириш ва имкониятдан фойдаланиб, уларни қиммат баҳода сотиш бўлган.

Ҳа, тақчиллик ҳукм сурар экан, у қўли қинғир одамларнинг жиноят кўчасига киришига омил бўлиб хизмат қилади. Мисол учун Пайариқ туманида яқинда ушланган жиноий гуруҳ ҳақида шундай фикрни билдириш мумкин. Ҳали 20 ёшга тўлмаган тўрт йигит тил бириктириб, бир неча марта ўғрилик қилиши, кишилар мулкига кўз олайтиришига сабаб ҳам ана шу иллатда.

Лекин жиноят жазосиз қолмайди.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ТАҚЧИЛЛИККА АДОЛАТСИЗЛИК ҚЎШИЛСА...

БОСҚИНЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Узбекистон прокуратураси матбуот маркази хабар қилади:

Фарғона вилояти прокуратураси ва ички ишлар идораларининг саъй-ҳаракати туфайли Данғара туманидаги чойхонада ни қуриб олган жиноятчилар гуруҳи фош этилди.

Илгари ҳам қора курсида ўтирган чойхона мудири Турдиали Мирзаалиев Қўқон шаҳри ва Тошкент вилоятининг Қибрай туманида нопок ишлар билан шуғулланиб келган эди. Тавбасига таянмаган бу кимса ўзига ўхшаш бир тўда безориларни атрофига тўплади ва жиноий гуруҳ ташкил қилиб, бу ишга ҳатто ўғли Нодирни ҳам жалб этди.

Жиноятчилар одамларни қийнаш ва қўрқитиш йўли билан уларнинг мол-мулкини, пулини тортиб олганлар, давлат транспортидан ғаразли мақсадларда фойдаланганлар, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш корхонаси раҳбарларига тазйиқ ўтказиб, кўп миқдорда мулкни ўмарганлар. Босқинчилар С. деган шахсни кечаси чойхонага келтириб калтаклагани ва унинг 70 минг сўм пулини тортиб олгани ҳам аниқланди.

Энди жиноятчилар барча қилмишлари учун жавоб берадилар.

Фарғона вилоятида ички ишлар бошқармаси ходимлари яна бир уюшган жиноятчилар гуруҳини қўлга олди. Етти нафардан иборат мазкур гуруҳга Тошкент шаҳар Шайхантоҳур тумани Кўкча дарвоза даҳасида яшовчи, жазо муддатини 1991 йилда тамомлаган 23 ёшли Зуфар исмли йигит бошчилик қилган. У Марғилон ва Фарғона шаҳарларида яшовчи беш нафар ўспирин ва С. исмли қиз билан тил бириктириб, ҳеч қаерда ишламасдан рэкет билан шуғулланган. Жумладан, бу гуруҳ аъзолари вилоят ҳарбий комиссариати ёнида жойлашган тижорат дўкони сотувчисини қўрқитиб 73 минг сўм пул ва 141 минг сўмлик турли молни ўмарганлар. Жиноятни амалга оширганда Марғилон шаҳар таксопаркига қарашли давлат рақами «47—88 ФЕМ» енгил машинасидан фойдаланган.

Босқинчилар бу билан қаноатланмасдан яна қабиҳ ишга қўл урди. Уларнинг навбатдаги сафари Қўқонга бўлди. Жиноятчилар шаҳардаги Истамбул кўчаси 56-уйда яшовчи Қўқон муаллимлар олийгоҳининг ўқитувчиси Башоратхон Мирзакаримованинг Беҳзод исмли 12 ёшли ўғлини мактабдан «Дадангга олиб борамиз», дея олиб қочиб, боланинг ота-онасидан 500 минг сўм пул талаб қиладилар. Фарзанд ҳаммага ширин. Жигаргўшасидан ажраб қолишдан қўрқиб кетган ота-она жиноятчилар талабини бажариб, фарзандини қайтариб олади. Ишлари ўнгидан келаётган бу кимсалар Олтиариқдаги Титов кўчаси 14-уйда яшовчи Йўлчибой Қобиловнинг «ВАЗ—21063» маркали автомашинаси ва 150 минг сўм пулини олиб кетадилар. Лекин ўзгаларнинг бойлиги «саёҳатчи»ларга вафо қилмади.

— Шу йилнинг икки ойи мобайнида 60 дан ортиқ уюшган жиноятчилар гуруҳини қўлга олдик, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлимининг бошлиғи, милиция майори Ҳалилжон Ҳазратқулов. — Улар босқинчилик, қотиллик, машина ўғрилаш, талончилик каби 200 дан зиёд турли оғир жиноятлар содир этган. Жиноий гуруҳларда 14 та ўқ отар қурол, 12 килограмм афюн моддаси ва бошқа буюмлар тортиб олинди. Уларга тегишли бўлган 18 та машина, миллион сўмликка яқин мол-мулк мусодара қилинади. Бу кимсалар қилмишига яраша жазоланади. Айниқса, азиз болажонларимизни ўғрилаб, бойлик орттирмоқчи бўлган шахсларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

«ДАДАНГГА ОЛИБ БОРАМИЗ»

«ОДОБНОМА»

ЕҲУД УЧ ҚИСМДАН ИБОРАТ КИТОБ ҲАҚИДА СЎЗ

Оламни безовчи нақкош ҳам инсон, унга маъно ва мазмун бахшида этувчи унлқат ҳам у. Ягона ақлли мавжудот ҳисобланган инсон — тириклигининг энг олий зоти. Зеро, инсонийликни мадҳ этиш, тараннум этиш фойдадан холи эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда Тошкент молия институти «Тарих» кафедрасининг мудири, профессор Мусоқул Усмоновнинг «Одобнома»лари диққатга сазовордир.

Тақриз қилинаётган китобларни ўқиш жараёнида олий мавжудот — инсонни тараннум этгувчи ва унинг серқирра фазилатларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи мадҳияга тўқнаш келдик. Буни қарангки, муаллиф китобларининг биринчисини «Олам аро одам азиз» деб номлабди. Бу бежиз эмас. Чунки оламни безовчи заргар ҳам, барча-барча улуғу буюк ишларнинг ижодкори ҳам инсон. Ана шу борлиқ эркасининг буюклиги, улуғлиги унинг қадри билан белгиланади. Инсон қадрини англамоқ ва уни покиза сақламоқ учун одамлар бир умр курашиб келишган. Ва бунга маълум даражада эришганлар ҳам.

Мазкур китобда ота-оналарнинг ҳаётдаги ўрни алоҳида таъкидланади. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги ҳаётий мисоллар асосида тараннум этилади. Аслида бу гаплар эскидек туюлса-да, аммо ақли доноиш қарияларимизнинг ўрни ўзгачалиги, уларнинг ҳаёт синовларига бардош бериб, сайқалланиб жило топган, пандунасиҳатлари фақат яхшиликлар учун хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку, ахир. Кексаларни улуғлаш, қарияларни авайлаш ва бу борадаги тажрибаларни умумлаштириш фақат эзгуликка хизмат қилади. Китобда, шунингдек, инсоннинг баркамол бўлиб етишишига устознинг, муаллимнинг, умуман тарбиячиларнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги ишончли далиллар билан кўрсатилган.

Оламни безовчи буюк зот — инсон оилада вужудга келиб, вояга етади. Оиланинг мустаҳкамлиги биринчи галда эр-хотинга боғлиқ. Шунинг учун оилани мустаҳкамлаш учун эр-хотин орасидаги илиқликни таъминлайдиган ҳар бир калом савобдан бошқа нарса эмас.

«Одобнома»нинг навбатдаги иккинчи китоби — «Яхши фазилат — инсонга зийнат». Инсонинг инсонлигини англатадиган мезонлар бор, унинг номини фазилат дейдилар. Одамларнинг яхши фазилатлари одамзот пайдо бўлгандан буён асрлардан-асрларга сайқалланиб, жилоланиб, янги-янги маъно ва мазмун касб этиб келмоқда. Муаллиф таъкидлаганидек, инсонийлик хислатлари одамларга доимо яхши томонлари билан хизмат қилиб келган ва хизмат қилаверади. Китобда ана шу инсонийлик фазилатларидан меҳнатсеварлик ва камтарлик талқинига кенг ўрин берилган. Дарҳақиқат, инсоннинг камтарлиги, меҳнатсеварлиги доимо эгизак бўлиб, улар орқали инсоннинг улуғворлиги намоён бўлади. Камтар ва меҳнатсевар инсонлар хусусида сўзлаш маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга.

Донолардан бири, «дунёда ҳалол одамдан бўюкроқ зот йўқ», деган экан. Ўзаро ҳурмат ҳиммат, садоқат, тўғрилик, адолат, инсоф, диёнат, поклик, ҳалоллик уммонидан баҳра олади. Китобда бир туркум мақолаларда инсоннинг ана шу гўзал фазилатлари тараннум этилади. Умуман, М. Усмоновнинг иккинчи китоби инсонийлик хислатлари ҳақида бир ажойиб гулдаста бўлибди. Унинг муаттар ҳидлари ўқувчи димоғини чоғ қилиши шубҳасиз.

Тақриз қилинаётган китобларнинг учинчисида одамлар

ўртасида учраб турадиган нуқсонлар ва ундан келиб чиқадиган кўнгил хираликларининг салбий оқибатлари очиб берилган. Ана шу қусурларнинг касрига қолиб қанчалаб дилсиёҳликлар кишилар қалбини тирнаб, азоб бермоқда. Китоб, «Одобнома»лар туркумидаги ишларнинг мантиқий давомидир. Аввалги қисмларда инсонийлик улуғланса, ушбу китобда қусурлар лаънатланади.

Одамлар ўртасида учраб турадиган туҳмат, бўҳтон каби камчиликлар борки, ундан соф виждонли кишилар қийналяпти. Гуноҳи-азимнинг энг чўққиси ҳисобланган туҳматни халқимиз «бало»га ўхшатиб, «туҳмат балосидан асрасин» дея беҳудага дуо қилмайди.

Ҳа, туҳматчилар ҳануз орамизда бор. Улар ҳамон ёмонлик уруғини сочиб юрибдилар, эл-юрт тинчини бузмоқдалар. Улар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нимадан қайтмайдилар. Турли хил найранглар ишлатиб, мақсадлари йўлида ҳар қанақа пасткашликларга ҳам қўл уришга тайёрдирлар.

Инсонийлик фазилатларига зид бўлган яна бир иллат бор. У — мақтанчоқликдир. Баъзилар мол-дунёси билан мақтанса, бошқалар лавозимини пеш қилади, айниқса билимини дастак қилиб, оғиз кўпиртирадиганлардан худо асрасин. Чунки билимдон одамларнинг мақтаниши шарт эмас, агар мақтовга лойиқ хизмат қилса, мақтанмаса ҳам мақтайверадилар, ҳамду-сано ўқийверадилар.

Мусоқул Усмоновнинг китобида хушомад ва унинг зарарли оқибатларига ҳам катта ўрин берилган. Хушомадда на буромад бўлади, на инсоний хислатлар. У ҳамма фазилатлардан бенасиб, бедаво иллатлардандир. Шунинг учун ҳам хушомад салбий иллатларнинг энг хунукларидан ҳисобланиб, у инсон ғурурини ерга уриш билан унинг қадр-қимматини ҳам пасайтиради.

Салбий иллатлар ҳақида гапирганимизда беихтиёр ичбо ва унинг «муаммолари», ичбогарлик, уларнинг жирканч «фаолиятлари» кўз олдимизга келади. Аммо ичбонинг ҳам ҳили ва тури кўп, бу ҳақ гап. Унинг шарпаси кичик жамоалардан тортиб, бутун давлат миқёсигача кезиб юради. «Миш-миш» одатда пайт пойлаб ҳужумга ўтади, бу билан у жамиятга ҳам, одамларга ҳам катта зарар етказади. Ичбогарлар ўлади-ю, аммо ҳушёр бўлмасак, ичбо ва «миш-миш»чилар ҳеч қачон йўқолмайди, ўлмайди.

Яна бир иллат, муаллифнинг фикрича, лақмаликдир. Лақмалар нафақат ўзининг лақмалигидан азият чекади, балки атрофидагиларнинг ҳам асабига тегади. Лақмаларда фаросат, зийраклик, синчковлик етишмайди.

М. Усмонов бир-бирига мантиқий боғлиқ ўттиз еттита камчилик ва нуқсонларни фош қилувчи қусурларни бир тизимга тизиб, уни йўқотиш йўлларига бағишлаб ибрат олса арзигулик китоб яратибди. Ҳар бир лавҳадаги муаммоларни ечишда одоб «кўзи» билан қараган. Қусурларнинг нохуш оқибатларга олиб келиши ишончли далиллар билан ёритилган. Китоб содда, ҳаммабоп қилиб ёзилган. Ўқилиши енгил ва қизиқарли. Китобни ўқир экансан, ундаги воқеалар беихтиёр кўз ўнгингдан ўтаверади.

Ҳозир, бутун тушунчалар элак-элак қилинаётган бир аснода китоб ёзишнинг ўзи эмас. Ҳусусан, яхши китоб ёзиш. Шу маънода Мусоқул Усмоновни табриклаш мумкин. У ўз олдига қўйган мақсадга эришган кўринади.

Назар ҲАКИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

1. М. Усмонов. «Одобнома». («Олам аро одам азиз») 1 қисм, Т., «ФАН» 1991, 167 бет., М. Усмонов. «Яхши фазилат инсонга зийнат», 1992, 167 бет. М. Усмонов. «Қусурлар касри». («Одобнома»), III қисм, Т., «Меҳнат», 1991, 140 бет.

ТАҲРИРИЯТДАН: Одоб-ахлоқ масаласининг долзарблигига, ўйлаймизки, ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Айниқса, бугун биз эришган истиқлол бу мавзунинг аҳамиятини оширибюборди. Чунки маънавий баркамол инсонларгина баркамол жамият қуриши мумкин. Шуни ҳисобга олиб Тошкент молия институти раҳбарияти ўзларининг ўқув режаларига «Одобнома» дарсини киритибдилар. Дарс дастури лойиҳаси рисола шаклида чоп этилиб, муҳокамаси давом этаётир.

БУГУН КЕЧА ЭРТАГА

● **ГАРВАРД доирлфунунининг профессори Генри Сакс Бразилияда сафарини давом эттираркан, Россиядаги пулнинг ўта қадрсизланиши чексиз сиёсий фалокат манбаига айланади, деган хулосани баён қилди.**

● **ЛЕЙПЦИГ шаҳрида халқаро баҳорги ёйма бозор очилди. Унда дунёнинг 23 мамлакатидан келган 1650 фирма иштирок этмоқда.**

● **ФИЛИППИН президенти Филипп Рамоснинг Японияга расмий сафари бошланди.**

● **РОССИЯ Федерацияси Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи генерал-полковник Михаил Колесников Финляндия Республикасига ташриф буюрди. Ташриф чоғида икки мамлакат қўшинларн ўртасидаги алоқаларга оид ҳужжатлар имзоланиши ва генералнинг Финляндия Республикаси Президенти билан учрашиши кўзда тутилган.**

● **МОСКВАДА Россия халқ депутатларининг фавқулодда VIII съезди давом этмоқда. Ўтган куни съездда Президент Борис Елцин, Олий Кенгаш Раиси Руслан Хасбулатов ва Конституция судининг Раиси В. Зорькинлар сўзга чиқиб, кўрилаётган масалалар юзасидан ўзларининг жиддий фикрларини билдирдилар.**

Съезд ўта ҳаяжонли ва депутатларнинг сиёсий курашлари остида ўтмоқда.

● **МОСКВАДА банклараро валюта биржасида навбатдаги савдо-сотиқ бўлиб ўтди. Унда 1 АҚШ доллари 653 сўмга сотилди.**

РАҲБАРЛАР НЕГА ХИЖОЛАТ БЎЛИШДИ?

Қизириқ туманидаги 7-ўрта мактабга Карим Исломов номини қўйишга бағишланган йиғилишда юзлаб кишилар тўпланишди. Улар кўп йиллар жамоа хўжалигининг раиси бўлиб ишлаган, халқнинг эътиборига сазовор бўлган К. Исломовнинг руҳини шод этишаётганлигидан мамнун эдилар...

Тантанали йиғилишда қатнашган туман ҳокими муовини Жума Қосимов, «Кунчиқиш» давлат хўжалиги раҳбари Соат Тўхтамишев, ўринбосари Парда Ашуров, қишлоқ кенгаши раиси Ҳусан Назаров нимагадир хижолат бўлишди. Бунинг сабабини эса ўша йиғилишда кимдир: «Янги мактаб биноси қачон қуриб битказилади?» деганидан сўнг аён бўлди. Омонатгина қурилган мактаб биносига кўз югуртирдим. Хароб аҳволда. Ахир, кейинги икки йилда туманда ўнлаб маъмурий бинолар, уй-жойлар қад ростлади. Бироқ, мактаб қурилиши... чўзилгани-чўзилган.

Мактаб директори Бўриназар Эсонов ҳам хижолат бўлиб, синфхоналар торлигидан, 567 нафар бола икки сменада ўқитилаётганлигидан нолиди.

Электр токи бўлмаганлиги учун тантанали йиғилиш қатнашчилари ҳатто бир жуфт қўшиқ эшитиш имкониятига ҳам эга бўлмадилар. Мактабга табиий газ ўтказиш чоралари кўрилмаган. Бундан ташқари ичимлик суви йўқ, бу масканни водопроводлашти р и ш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти.

Ошхонага кирдик. Болаларга тайёрланаётган овқатлар ҳам бир нави.

Хуллас, раҳбарлар ушбу билим маскани нинг ночор аҳволини ўз кўзлари билан кўриб кетишди. Балки энди мактаб директори Бўриназар Эсоновни хижолатдан халос этиш чоралари кўрилар?

Ж. ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

Газета саҳифаланаётганда

МОСКВАГА ЕТОЛМАГАН ТОШБАҚАЛАР

Баъзи одамлар пул топиш учун турли нарсаларни ўйлаб топмоқдалар. Эшитиб ёқа ушлайсан киши. Зангиоталик Имомали Йўлдошев ҳам ўзича доллар ишламоқчи бўлди. Шу ниятда у Москвага баъзиларга ўхшаб озиқ-овқат ёки ноёб кийим-кечаклар олиб боришни мақсад қилмади. Унинг сафар халтаси текширилганда 135 дона тошбақа чиқди. Тошбақаларни қаердан олдингиз деган саволга у «1-Май» бозоридан 400 сўмдан харид қилдим» дейди. Имомалининг нияти Москвадаги танишига ушбу тошбақаларни долларга пуллаш эди. Аммо, Тошкент вилояти божхона ходимларининг зийраклиги туфайли тошбақаларга Москвани кўриш насиб қилмади.

М. ҲАКИМОВ.

Дилдаги гаплар

«МУНИР ЛАҲЗАЛАР»

Ўзбекистон радиоси адабий драматик эшиттиришлар бош таҳририяти кейинги йилларда яна бир хайрли ишга қўл урди. Ўтган йилдан бошлаб «МУНИР ЛАҲЗАЛАР» туркум эшиттиришлари ташкил этилди. Маълумки, биз шу пайтгача бугунги кунда яшаб ижод этаётган шоир, ёзувчи, мунаққидлар ҳақида гапирганимизда сўз асосан уларнинг яратган асарлари ва образлари хусусида борарди. Бундай суҳбатлар тингловчига айтарлик янгилик бермасди. Ваҳоланки, ҳар бир адиб аввало инсон эканлигини, унинг ўз дунёқараши, ўз дардлари, изтиробларн борлигини, қолаверса, оддий инсон сифатида ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини яхши билмасдик.

«Мунир лаҳзалар» туркум эшиттириши радио журналистикадаги мавжуд бўшлиқни бироз тўлдиргандек бўлди. Тайёрланаётган эшиттиришлар нафақат асарлар, балки шоирнинг турмуши, дунёқараши, воқеаларга муносабати ҳақидадир.

«Мунир лаҳзалар» туркум эшиттиришларининг муаллифи Тоир Юнуснинг айтишича, у ўз олдига учта асосий вазифани қўйган. Булар аввало, давримизнинг энг машҳур адиблари таржимаи ҳолларини ўз овозларида магнит тасмасига муҳрлаш ва уни радионинг олтин фондида сақлаш; иккинчидан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, академик олим ва драматург Иззат Султон, мунаққид Иброҳим Ғафур билан суҳбатлар ойномада чоп этишга тайёрланмоқда. Таҳририят бу йил ҳам адабиётимизнинг энг кўзга кўринган адиблари мазкур суҳбатларни матбуотда эълон қилиш ва ниҳоят бу эшиттиришларни жамлаб уни китоб ҳолида нашр эттиришдир. Бугунги кунга келиб ижодий гуруҳ ўз мақсадига эришди дейиш мумкин. Чунки, республикамизнинг энг обрўли «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ойномаси шу йилдан бошлаб ўз саҳифаларида эшиттиришнинг суҳбат қисмини ёрита бошлади. Бугунги кунда Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Шароф Бошбеков ва бошқалар билан суҳбат уюштириб уни тингловчилар диққатига ҳавола этиш ниятида.

Куни кеча ҳам таҳририят ўз тингловчиларини хушнуд этди. Шу куни икки соат мобайнида Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон билан суҳбат бўлди. Фикримизча муаллиф элга танилган шоиримизни бошқа қирраларини бизга кашф этди. Омон Матжоннинг дардлари, изтироблари, фалсафага мойиллиги эркин суҳбат давомида янада яққол кўринди.

Шу ўринда суҳбатни олиб борувчи Тоир Юнусни ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг саволларидан Омон Матжон ижодини пухта билиши сезилиб турибди.

Эшиттириш эфирга берилгач таҳририятга юзлаб радиотингловчилар қўнғироқ қилиб уларга бу суҳбат жуда ёққанини айтишди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон радиоси адабий эшиттиришлар бош таҳририяти тингловчилар қалбини забт эта оладиган ҳайрли ишга қўл урган. Шу ўринда мазкур туркумни тайёрлаётган режиссёрлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғойибназар Искандаровнинг хизматлари катта. Унинг эшиттиришга мос куйлар танлаши, асарлардан монанд парчалар олиши суҳбатни янада бойитган.

Фотима АШИРОВА.

Келгуси сонда:

● **СИЗГА ШЕЪР АЙТГИМ КЕЛДИ**

● **БОБУРНИНГ ИККИ СУВРАТИ.**

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ *(масъул котиб)*, Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 21.00 га белгиланган. Чоп этиш учун 20.00 да имзо чекилди. Буюртма Г — 126. 1 2 3 4 5 6